

323

Б 49

331525-1) (07)

17

и

432

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


А.Ш.БЕКМУРОДОВ, У.В.ҒАФУРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ:
НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

2032188

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан олий ўқув юртлари учун
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган



Б.Ю.Ходиевнинг умумий таҳрири остида

А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ – 102 б.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига кўра таълим тизимиға жорий килинаётган 12 соатлик факультатив ўқув курси учун мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантериш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий мазмуни баён этилади.

Президентимиз томонидан кўрсатиб ўтилган, мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш борасида қўлга киритиладётган ютуклар, устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини талабаларга янада кенгрок ўргатиш мақсадида маърузада кўрилган масалалар атрофлича ёритиб берилади.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, республикамиизда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш масалаларига оид илмий тадқикотлар олиб бораётган ходимлар ва барча қизиқувчилар учун тавсия этилади.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор Н.М.Махмудов
 и.ф.д., профессор Ш.Ш.Шодмонов
 и.ф.д., профессор Б.Б.Беркинов

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари	6
1-боб. 2006 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишида кўлга киритилган ютуклар – жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган ишларнинг мантиқий натижаси, иктисодиётни изчил ва баркарор ривожлантиришининг амалий ифодаси эканлиги.....	7
2-боб. Ахолини ижтимоий химоялаш ва кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор – юксак ижобий натижаларни таъминлашнинг муҳим манбани.....	26
3-боб. Иктисодиётни баркарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ва модернизациялашни таъминлаш, хусусий бизнес учун қулай шароитларни яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этишини кучайтириш – ислоҳотларни чукурлаштиришининг устувор вазифалари сифатида.....	36
4-боб. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш – баркарор тараққиёт йўлидан изчил ҳаракатнинг муҳим йўллари.....	57
Фойдаланилган адабиётлар.....	75
Иловалар.....	77

СҮЗ БОШИ

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш, бозор ислоҳотларининг янада чукурлаштирилиши натижасида йилдан йилга салмоқли натижалар қўлга киритилиб, барқарор иқтисодий ўсиш йўналиши мустахкамланиб бормоқда. Бунда хукуматимиз томонидан ишлаб чикилган иқтисодий сиёсатнинг тўла ва изчил амалга оширилиши, иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоқларининг белгилаб берилиши хамда уларни ривожлантириш бўйича барча имкониятларнинг сафарбар этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

2007 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президентимиз И.Каримов маъруза килиб, ўтган йилда эришилган ижобий натижалар, мавжуд муаммо ва камчиликларга танқидий баҳо бериб, 2007 йилда республикани иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва мақсадлар, ислоҳотларни янада чукурлаштиришга қаратилган кўйидаги устувор вазифаларни белгилаб берди:¹

бириинчидан, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши хамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва тәхнологик жиҳатдан янгилаш, солик сиёсатини янада эркинлаштириш;

иккинчидан, бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча кулай шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш;

учинчидан, хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама кучайтириш;

тўртинчидан, иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришини таъминлаш;

бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

олтинчидан, банк-мolia тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва кўламини кенгайтириш;

еттинчидан, коммунал хўжалик соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу устувор вазифалар иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги янги мэрралар томон харакатлантирувчи, йўналтирувчи куч, мамлакатимизнинг 2007 ва кейинги

¹ Янгилашиш ва барқарор гараккиёт йўлидан янада изчил ҳаракат килиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамизи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

Йиллардаги ижтимоий-иктисодий таракқиётини таъминлашнинг дастуриламали бўлиб хисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иктиносидий ислоҳотларни олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ходимлари, профессор-ўқитувчилари, аспирант, тадқиқотчи, талаба ва ўқувчилари томонидан теран англаш, кечётган иктиносидий ўзгариш ва жараёнлар тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлиш, уларга фидокорона меҳнатлари ҳамда бунёдкорлик ишлари билан ўз хиссаларини кўшишлари давр талаби хисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февраль куни Вазирлар Мажхамасида 2006 йил якунларига багишланган йигилишидан мавзузасидан келиб чиқадиган вазифаларни олий таълим тизимида амалга оширишнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (1-илова). Унда мавзузадан келиб чиқадиган муҳим вазифаларни амалга ошириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар каторида Президентимизнинг “Янгиланиш ва барқарор таракқиёт йўлидан янада изчил ҳаракат килиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шаронти яратиш – асосий вазифамиздир” номли мавзузасини талаба ва ўқувчилар томонидан чукур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларда қўйилган долзарб муаммоларнинг туб моҳиятини англаш ҳамда ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини билишга алоҳида эътибор қаратилди. Комплекс дастурга биноан барча олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежларни талаба ва ўқувчиларига Президентимиз мавзузаси мазмунини, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишларини ўргатиш мақсадида 12 соатлик (8 соат мавзуза, 4 соат амалий машгулот) маҳсус ўкув курси жорий этилди. Олий таълим тизимида маҳсус курсни ўқитишида профессор-ўқитувчилар ҳамда талabalарга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ушбу ўкув кўлланма тайёрланди. Ўкув кўлланма Президентимиз мавзузасининг мазмуни ва таркибий тузилишидан келиб чиқкан ҳолда 4 та бобдан иборат ҳолда ёзилган. Бўнда мавзузада қўйилган масалалар ва муаммоларнинг мантиқий изчилиги тўлиқ хисобга олинган. Мавзуларнинг ўзлаштирилиши қулийлигини ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир бобда режа, мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар, мавзуга оид кўриб чиқиладиган муаммолар, мавзу бўйича дарснинг мақсади, талabalарнинг идентив ўкув мақсадлари, мавзу баёни ва мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар келтирилган.

Ўкув курсининг максади ва вазифалари.

1. Ўкув курсининг максади: Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий мазмуни ва унда кўрилган масалалар бўйича кенг тасаввур ва билим ҳосил қилиш.

2. Ўкув курсининг вазифалари:

- талабаларда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуклар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари, муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар динамикасидаги асосий тенденциялар тўғрисида кенг ва чукур билим ҳосил қилиш;
- мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуклар мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали талабаларда миллий гурур ва ватанпарварлик туйгусини янада мустаҳкамлаш ;
- мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари борасида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;
- ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашнинг кўп омили ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй берадиган ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни теран таххил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;
- мамлакатимизда рўй берадиган ўзгаришлар, янгилинишлар ва чукур ижтимоий-иктисодий жараёнларга нисбатан талабаларда ўзларининг ҳар томонлама асосланган, объектив, реал нуқтаи-назарлари ҳамда қарашларининг тўғри асосда ишлаб чиқилишига йўналтириш.

1-БОБ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ҚҰЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР - ЖАМИЯТНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ ВА ЯНГИЛАШ БҮЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИҢГ МАНТИҚИЙ НАТИЖАСИ, ИҚТІСОДИЁТНИ ИЗЧИЛ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИҢГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ ЭКАНЛИГИ

Режа:

1. 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари борасидаги ўта мухим ва ўзига хос жихатлар ҳамда хуносалар.
2. Мамлакатдаги инвестиция мұхитини якшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиши борасида эришилганды мұваффақияттар.
3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй берган чукур ўзгаришлар.
4. Мамлакат экспорт салоҳиятининг жадал ривожланиши ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг кучайиши.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, макроиқтисодий кўрсаткичлар, ЯИМнинг ўсиш суръатлари, олтин-валюта захираси, инвестиция мұхити, хорижий сармоялар, экспорт салоҳияти, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги.

Мавзуга оид кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қўлга киритилган ижбий натижалар, ҳал қилинмаган мавжуд муаммолар.
2. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар ва улардан самарали фойдаланиш натижалари.
3. Президентимиз томонидан кўрсатиб ўтилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларининг ўта мухим ва ўзига хос жихатлари.

Мавзу бўйича дарснинг мақсади: талабаларда 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуклар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жихатлари, мухим макроиқтисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар динамикасидаги асосий тенденциялар тўғрисида кенг ва чукур билим ҳосил қилиш.

Талабаларнинг идентив ўқув мақсадлари:

1. 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни билиш ҳамда уларни таъминлаш манбалари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

2. Президентимиз томонидан баён этилган республикамизнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини ўта мухим ва ўзига хос жиҳатлари ҳамда хулосалари тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлиш ҳамда мустақил изоҳлай олиш.

3. Эришилган ютуқлар жамиятни тубдан ислоҳ килиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган ишларнинг мантикий натижаси, иктисодиётни изчил ва баркарор ривожлантиришнинг амалий ифодаси эканлигини англаш.

Мавзунинг баёни

Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузасининг бошида йигилишдан кўзланган асосий мақсад – юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ва 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаб, 2007 йилдаги мухим ҳаётӣ аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб олишдан иборатлигини кўрсатиб ўтди. Шунингдек, ўтган йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари борасидаги ўта мухим ва ўзига хос жиҳатлар ҳамда хулосаларга тўхтаб ўтиш лозимлигини таъкидлади.

Ўтган йил давомида мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётида аҳамиятли ютуқлар, белгиланган устувор йўналишлардан келиб чикувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларни ўзгаришлар кўлга киритилди (1-чизма). Президентимиз, биринчи навбатда, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг юксак ўсиш суръатлари ва макроиктисодий ривожланиш натижалари, олтин-валюта заҳирасининг ошиши ва тўлов балансининг баркарорлигини таъминлайдиган экспорт ҳажмининг мисли кўрилмаган даражада кўпайиши каби ижобий ҳолатларнинг Халқаро валюта жамғармаси томонидан юксак даражада баҳоланишини қувонч билан кайд этиб ўтди.²

Мамлакатимизда оқилона ва самарали иктиносий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга изчил равишда татбиқ этилиши, баркарор ривожланишни асосий манба, омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият каратилиши кейинги йилларда иктиносий ўсишнинг юқори суръатларини таъминланишига имконият яратмоқда. Жумладан, бундай энг мухим омиллар сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилда эриншилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиктисодий курсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ килиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машакқатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, иктиносий изчил ва баркарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди

И.Каримов (маърузадан)

² Янгиланниш ва баркарор тараккиёт йўлидан янада изчил ҳаракат килиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шаронти яратиш – асосий вазифамизdir. Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

**2006 йилда иктиносидий ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор
йўналишлари ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари³**



³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносидий ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишлиланган маъруzasи ҳамда Вазирлар Мажлисининг карори асосида тайёрланди.

- макроиқтисодий барқарорликни таъминланиши ва қулай макроиқтисодий шароитнинг яратилиши;
- иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислоҳотларнинг янада чукурлаштирилиши;
- иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши ва модернизациялаштирилиши;
- иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятининг оширилиши;
- тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустақиллиги ва хукукларини кенгайтириш орқали хусусий сектор ривожланишининг рағбатлантирилиши;
- моддий-техника ресурслари ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимининг эркинлаштирилиши;
- корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат назорат органлари аралашувининг кескин қисқартирилиши ва х.к.

Мазкур манба ва омилларнинг тасири натижасида мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишида аҳамиятли ютукларга эришиб келинмоқда (1-жадвал, 1-диаграмма).

1-жадвал

Иқтисодиёт ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, (фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
ЯИМ (ишлиб чиқилган)	103,8	104,2	104,0	104,2	107,7	107,0	107,3
Саноат ишилаб чиқариши	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8
Қишлоқ хўжалиги ишилаб чиқариши	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	106,2	106,2
Асосий капиталга инвестициялар	100,9	104,0	103,8	104,5	105,2	107,0	111,4
Давлат бюджетининг бажарилиши даражаси (ЯИМга нисбатан %)	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,4	0,1	0,5
Инфляция даражаси	28,2	26,6	21,6	26,7	22,1	13,5	6,8
Ишсиэзлик даражаси (давр якупнига %)	0,4	0,4	0,4	0,3	0,4	0,3	0,2


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, 2006 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,3 фоизга ўси. Бунда ишилаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш-пудрат ишларининг 12,8, хизмат кўрсатиши соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 фоизга ўсгани иқтисодий ривожланишининг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди. Давлат бюджети 93 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди. Олиб борилаётган қатъий пул-кредит сиёсати ва пул айланмасининг изчил назоратда тутилиши монетар кўрсаткичларнинг барқарор даражасини таъминлаш, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 6,8 фоизга олиб келиш имконини берди.

Ўзбекистон 1991 йилга нисбатан ЯИМнинг ўсиши борасида МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда (2-илова). Мамлакатимизда 2005 йилда мазкур кўрсаткичнинг МДХ бўйича ўртача даражасидан 25,5% юқори натижага эришилган.

1-диаграмма

ЯИМнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизning ижтимоий-иктисодий тараққиётида қўлга киритилаётган ютуқларига ўз-ўзича, осонлик билан эришилаётгани йўқ. Мазкур рақамлар остида юртимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама ўйлаб, оқилона тарзда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий сиёsat, бунёдкор халқимизнинг фидокорона ва жасорат билан қилаётган меҳнатлари ётади. Бундай натижаларни қўлга киритиш шунчаки осон эмаслиги ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1991 йилдаги даражасига эришиш Ўзбекистонда 2001 йилда ёк таъминланганни ҳолда, МДХ мамлакатларининг ярмидан кўпроқ қисмida ҳали-ҳануз таъминланмаганлиги орқали ҳам яқол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, муҳттарам Президентимизning ўз маърузасида «ўтган йилда эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юқсак макроиктисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машакқатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, иктиносидёти изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди»⁴, деб таъкидлаши бежиз эмас.

Бу сўзларнинг тасдиги сифатида солиштирма нархларда олиб караганда, 2000 йилга нисбатан 2006 йилда иктиносидётининг ўсиши 45 фоизни ташкил этганлиги, бунда саноат ишлаб чиқариши 1,6 марта, қишлоқ хўжалиги 1,5 баробар, ташки савдо айланаси 1,7 марта, экспорт ҳажми 1,9, олтин-валюта заҳираси 3,7 баробар, реал иш ҳаки эса 4 марта ошганини кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, инфляциянинг йиллик даражаси 4 мартадан зиёд пасайганлигини, ишлаб чиқариши самарадорлигининг ўсиши натижасида саноатда меҳнат унумдорлиги 1,7 марта ошганлигини ҳам қайд этиш лозим.

⁴ Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил харакат килиш, халкимиз учун фарован турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносидой ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишиланган Вазирлар Мажлисиданда маърузаси // Ҳалқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

Шуниси диккатга сазоворки, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари хисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хом ашё турлари ҳамда материаллар нархининг юкорилиги хисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобат бардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришини белгилаб берадиган жиддий таркиби ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминлаимоқда.

2006 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига 22,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 30 фоиз ўрнига 39,5 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида эса аксинча – бу кўрсаткич пасайиб, 32 фоиздан 24 фоизга тушди (2-жадвал).

2-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби (%)

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Саноат	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	20,7	22,1
Қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,6	26,4	25,0	24,0
Қурилиш	6,0	5,8	4,9	4,5	4,8	4,9	5,1
Хизматлар соҳаси	37,2	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5
Соф соликлар	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	11,0	11,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси ва рангли metallurgия тармоқлари юқори суръатларда ўси. Ўтган йили фақат ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 250 миллион доллар ҳажмидаги хорижий сармоя жалб қилинди.

2006 йилда ўсиш суръати машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида 25,7 фоиз, кимё ва нефть-кимё саноатида 19,6 фоиз, озиқ-овқат соҳасида 28 фоиз, енгил саноатда 20 фоиз, ёғочни қайта ишлаш ва мебель саноатида 18 фоиз, қурилиш материаллари саноатида 12 фоизга ошли.

Узбекистонда ишлаб чиқаришни юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишда мунтазам равиша солик юқини камайтириш чораларининг кенг кўлланилиши ўз натижаларини бермоқда. Айниқса, соликлар ва тўловларни бир хиллаштиришга катта эътибор қаратилиши соликқа тортиш механизмларининг ошкоралигига, соликларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек солик мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Иктиносидётдаги тарки-бий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда солик юқини камайтиришга қаратилган солик сиёсатининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб эти.

И. Каримов (маърузадан)

Айни пайтда бу ҳол республикамизда қўлланиладиган солик гизимини халқаро мөтёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изохланади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидағи иктиносидий тартибга солиш даражасидаги фарклар, қўлланилаётган ижтимоий-иктиносидий сиёсатнинг йўналиши, муайян мамлакатларнинг геосиёсий жойлашуви ва бошқа омиллардан келиб чиккан ҳолда, улардаги ЯИМга нисбатан солик тўловлари даражаси ҳам бир-биридан фаркланди. Умуман солик юки даражаси бўйича дунё мамлакатларини З гурухга ажратиш мумкин:

1) соликқа тортишнинг юкори даражаси – соликлар салмоги ЯИМнинг 40 фоизидан ортик (масалан, Люксембург, Франция);

2) соликқа тортишнинг ўртача даражаси – соликлар салмоги ЯИМнинг 30 фоизидан 40 фоизигача (масалан, Дания, Швеция, Австрия, Германия, Буюк Британия);

3) соликқа тортишнинг ўртачадан пастрок даражаси – соликлар салмоги ЯИМнинг 30 фоизигача (масалан, Хитой, Хиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея).

Ўзбекистонда солик юки даражаси йилдан йилга мунтазам равишда пасайиб бормокда. Агар 1999 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 38,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб 22,6 фоизга тушди, 2006 йилда эса ЯИМнинг 21,3 фоизини ташкил этди.⁵

Маърузада таъкидланганидек, иктиносидётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолигини ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда солик юкини камайтиришга қаратилган солик сиёсатнинг ўтказилиши мухим аҳамият касб этди. Маълумки, юридик шахслар даромадлари (фойдаси)дан олинадиган солик ставкасининг аҳамиятли даражада ошиб кетиши корхоналарнинг ўз ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашдан манфаатдорлигини пасайтириб юборади. Шунга кўра, мамлакатимизда юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1990 йилда мамлакатимизда фойда солиги 55 фоизни ташкил этгани ҳолда, 1995 йилга келиб 38 фоизга, 1999 йилда 33 фоизга, 2007 йилдан бошлаб эса дунёдаги энг кам даражага – 10 фоизга туширилди. Шуни кайд этиш лозимки, маҳаллий товарлар экспортини рагбатлантириш максадида мамлакатимизда ҳалк истеъмоли молларини, болалар учун мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш, бундай товарлар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан фойда солигининг паст ставкаси (7 фоизгача) қўлланилади. Ўтган йили юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солик ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоизлардан олинадиган солик 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 25 фоизгача камайтирилди. Экология солиги бутунлай бекор килинди.

⁵ Тухлиев Б., Азизов О. Солик юкини камайтириш – иктиносидётни юксалтириш омили / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 3-6.

Республикамизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита соликларнинг салмогини камайтириш дикқат марказда турибди. Бунинг натижасида корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптимал даражасини саклаш, ишлаб чиқаришини замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш максадида кўпроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлади.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида республикамиз корхона, компания ва хўжаликлари 2006 йилда ўз молиявий ресурсларини кўшимча равишда 425 миллиард сўмга кўпайтириди. Бу эса инвестицияларнинг ўсиши, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш учун кўшимча манба бўлиб хизмат килди.

Статистик тадқиқот шуни кўрсатадики, максимал даражада иқтисодий ўсишни таъминлаш учун солиқ юки куйидагича бўлиши керак:

- аҳоли жон бошига ЯИМ 3000 АҚШ долл.гача бўлган давлатларда (Ўзбекистон шу гурӯхга киради) – 15%;
- аҳоли жон бошига ЯИМ 3000 дан 9000 АҚШ долл.гача бўлган давлатларда – 17%;
- аҳоли жон бошига ЯИМ 9000 АҚШ долл.дан юқори бўлган давлатларда – 24%.⁶

Жисмоний шахслар даромадларини солиқка тортишнинг самарали тизимини яратишига оид вазифаларнинг аҳамияти мазкур тизимнинг ижтимоий масалаларга даҳлдорлиги, аҳоли турмуш даражасига кўрсатадиган таъсири билан боғлиқдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда даромад солигининг кўлланиладиган шкаласи мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 1998-1999 йилларда ушбу соликнинг максимал ставкаси 45 фоиз бўлган 5 даражали шкала кўлланилган бўлса, 2000 йилда – максимал ставкаси 40 фоиз бўлган 4 даражали шкала жорий этилди, 2001 йилда эса даромад солиги хисоблашнинг уч шкалали тизимиға ўтилган. Бунда 2003 йилда аҳоли даромадларини солиқка тортиш шкаласининг кенгайтирилиши ва шу аснода оралиқ ставканинг 2001 йилдаги 25 фоиздан 2003 йилда 23 фоизгача, максимал ставканинг 36 фоиздан 31 фоизгача кисқариши ЯИМга нисбатан ушбу солиқ бўйича тушумларнинг камайишини келтириб чиқармади. Ҳозирги пайтда солиқ ставкаларини камайтириш ва аҳоли даромадларини солиқка тортишнинг уч босқичли тизимидан икки босқичли тизимиға аста-секин ўтиш концепциясини давом эттириш вазифаси турибди.⁷

Маърузада Президентимиз томонидан эътибор қаратилган ўта муҳим ва ўзига хос жиҳат – ўтган давр мобайнида республикамизда инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада ошганлигидир. Айниқса,

⁶ Тухлиев Б., Азизов О. Солик юкини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили / Ўкув кўпланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 30-6.

⁷ Уша манба, 6-б.

мамлакатимиздаги инвестиция мухитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш жарабайларига бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, иктисадиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишини мустаҳкамлаш чора-тадбирларининг тъсири аҳамиятли бўлди.

Жумладан, 2006 йилда молиялашнинг барча манбалари хисобидан ўзлаштирилган капитал маблаглар ҳажми 3838,3 млн. АҚШ долларига тенг даражани ташкил этиб, бу 2000 йилга нисбатан 5,2 баравар кўп демакдир. Бундай ўсишда нодавлат секторига йўналтирилган инвестициялар салмоғининг сезиларли даражада ортиши мухим ўрин тутади. Умуман олганда, инвестициялар ҳажми кейинги ўн йил ичida деярли 20 баравар кўпайди.

Маълумотлар шуну кўрсатади, қатор йиллар давомида мамлакатимизда асосий капиталга инвестициялар ҳажми мунтазам равишда ўсиб, уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда (З-жадвал).

3-жадвал Асосий капиталга инвестициялар ва уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби (фоизда)

Курсаткичлар	Йиллар						
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Асосий капиталга инвестициялар, млн. сўм	744,5	1320,9	1442,4	1867,4	2473,2	3012,9	3838,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети	29,2	21,5	25,0	17,7	14,9	12,8	10,7
Корхоналар маблаглари	27,1	31,0	40,0	41,8	43,2	48,5	48,3
Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	12,0	11,1	12,4	11,8	11,7
Ҳукумат томонидан кафолатланган хорижий инвестициялар	19,8	23,2	15,7	19,2	14,5	6,0	4,9
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	3,4	4,8	4,7	7,1	10,0	13,2	14,1
Банкнинг марказлашган кредитлари	5,2	5,9	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0
Тикорат банклари кредитлари	1,7	2,2	1,5	1,9	2,3	2,9	3,4
Нобуджет фондлар маблаглари	1,2	0,5	0,3	0,4	2,4	4,7	6,9
Бошика карз маблаглари	0,4	0,6	0,7	0,8	0,3	0,2	0,0

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари орасида корхоналарнинг хусусий маблаглари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши сезиларли равишда ошиб бормоқда. Ўз навбатида, давлат бюджети ва банкнинг марказлашган кредитлари хисобидан инвестиациялашнинг улуши аҳамиятли даражада қискармоқда. 2006 йилда барча сармояларнинг 77,5 фоизини ташкил этадиган марказлашмаган сармояларнинг асосий ўсиши хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, корхоналарнинг ўз маблаги ва банк кредитлари хисобидан таъминланди.

Натижада, маърузада таъкидланганидек, йил давомида Кўнгирот сода заводи, Тўполанг ГЭСи ишга туширилди, «Узметкомбинат» акциядорлик

ишлиб чиқариш бирлашмасида мис ва унинг куйилмаларидан тасма ленталарини ишлиб чиқариш йўлга кўйилди, «Кўкудумалою» қўшма корхонасида газни қайта ишлаш қувватининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида газни қисмларға ажратадиган курилма, Газли-Саримой газ қувури курилиши, тўқимачилик саноатида эса 11 та инвестиция лойиҳаси якунига етказилди, саноатнинг қатор етакчи тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришилди.

Тошгузар-Бойсун-Кумкўргон темир йўли курилиши, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация этиш, Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилиш, Резаксой ва Ҳангаронсой сув омбори ҳамда бошқа обьектлар барпо этиш билан боғлиқ йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Арис-Ўзбекистон темир йўл тармоги электрлаштирилди. Йўловчи ташиши поездларининг янги тезюар ယўналишлари ишга туширилди.

Йўл курилиши дастурининг амалга оширилиши туфайли 2006 йилда халқаро транспорт тармоги таркибига кирадиган 130 километр автомобиль йўли реконструкция қилинди, умумий фойдаланишда бўлган 2400 километр йўл таъмирланди, 34 та кўпrik курилди.

Иктисадиётига йўналтирилган сармояларнинг қарийб 50 фоизи технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мамлакатимиздаги инвестиция мухитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёйларига бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, иктисадиётни эркинлаштириш ва мулк ҳукукини ҳимояни қилишини мустаҳкамлаш чора-тадбирларининг таъсири аҳамиятли бўлди.

И. Каримов (маърузадан)

Кейинги йилларда асосий капиталга инвестициялар оқимининг қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлган саноат ва инфраузилма тармоқларининг ривожланиши иктисадий ўсишга катта таъсир кўрсатмоқда. Бу холат асосий капиталга инвестицияларни иктисадиёт тармоқлари бўйича таркибининг ўзгаришига олиб келмоқда. Жумладан, 2006 йилдаги инвестициялар ҳажмининг 47,7 фоизи иктисадиётнинг таянч тармоқлари (саноат, транспорт ва алока)га йўналтирилди, бу эса капитал қўйилмалар салмоқли ҳажмининг (68,3% гача) ишлиб чиқариш соҳасида тўпланишига олиб келди. Ишлиб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2619,8 млрд. сўмни ташкил этди (3-илова).

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ўз натижасини кўрсатмоқда. 2006 йилда жами хорижий инвестициялар ҳажми 730,4 млрд. сўмни ёки умумий инвестицияларнинг 19,0%-ни ташкил этди. Бу эса 2000 йилдагига нисбатан деярли 5 баравар кўп демакдир. Шунингдек, юкоридаги 4-жадвалда кўрганимиздек, йилдан-йилга хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитларнинг салмоги ўсиб бормоқда. 2006 йилда уларнинг ҳажми 539,9 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестицияларнинг 73,9%-ни ташкил этди.

2006 йилда умумий киймати 186 млн. доллар бўлган, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий сармоялар иштирокида 53 та лойиҳа бўйича маблағларни ўзлашириш якунланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди. Жумладан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида – 11 та лойиҳа, Алока ва ахборотлашириш агентлигида – 4 та, «Ўзбек-чармпойабзали» акциядорлик компаниясида – 2 та ва республикамизнинг турли жудудларида 31 та лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий сармоялар тўғрисидаги маълумотни З-иловадаги диаграммадан кўриш мумкин.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, ҳали мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги имкониятлардан тўлик фойдаланилаётгани йўқ. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда қуидаги бир қатор омиллар тўскинлик қilmоқда:

- мамлакатдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма даражасининг юкори даражада эмаслиги;

- хорижий инвестицияни жалб этувчи корхоналарнинг ташки бозорга ~~интишада етарли билим ва тажрибага эга~~ эмаслиги, ҳалқаро бозордаги мавкега эга бўлмаганлиги;

- инвестиция жараённида иштирокчи томонларнинг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликлари ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлик ва ишончли бўлавермаслиги ва ҳ.к.

Бу каби муаммо ва тўскинликларни бартараф этиш учун Президедентимиз маъруzasидан келиб чиқадиган мамлакатимизда қуидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқdir:

- ҳалқаро майдонда мамлакатимиздаги инвестиция мухити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларнинг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш каби тадбирларни кучайтириш;

- мамлакатимиздаги бозор ахборот хизматини ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташки иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;

- йирик хорижий банкларнинг филиалларини, ҳалқаро компания ва корпорациялар ваколатхоналарини очиш учун етарли шароитлар яратиш;

- инфратузилма соҳасидаги (йўллар, транспорт, алока) кўшма инвестицияларни амалга оширишни фаоллаштириш;

- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, айниқса денгиз йўлларига чиқиб олиш ва шу орқали экспорт-импорт юқ ташувларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро фойдали кооперация алоказаларини йўлга кўйиш ва бошқалар.⁸

⁸ Махмудов Н.М. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда инвестициялардан самарали фойдаланиш. – Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва ракобатбардошлигини оширишнинг мухим омилидир» маъзуудаги Республика илмий-амалий ажумумани маърузалари тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006, 26-б.

Президентимиз томонидан кўрсатиб ўтилган навбатдаги мухим жиҳат – одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, дехқонларимизда ерга эгалик хиссини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ўзгаришларнинг рўй бериши хисобланади. Шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларининг дунёқараши ўзгараётганлигига, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик, ер ҳамда сув ресурсларига масъулият ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар янада яққол намоён бўлаётганлиги алоҳида эътибор билан қайд этилди⁹.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш орқали ижтимойи-иктисодий ривожланишина таъминлашда жамият аъзоларининг турли кўринишдаги иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг реал механизмларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлумки, мулкчилик муносабатлари иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг мухим воситаси хисобланади. Бирок, режали иқтисодиёт шароитида асосан давлат мулки монополиясининг ҳукмонлиги ва бу муносабатларга ўта расмиятичлилар билан ёндашув унинг самарадорлигини деярли йўқча чиқарган эди. Шунга кўра, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг марказий йўналиши кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди. Хусусий мулк шаклининг қонуний эътироф этилиши, тадбиркорлик фаолияти ҳукукий кафолатларининг таъминланиши жамият аъзоларининг узоқ йиллар давомида тақиқланиб келган эркин ва мустақил хўжалик фаолияти юритишга интилиш кўринишидаги иқтисодий манфаатларининг амалга оширилиши учун кенг йўл очиб берди. Мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши давлатнинг мазкур йўналишдаги изчил ва аҳамиятли сиёсати орқали жадал суръатларда амалга ошиб, тез орада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг нодавлат сектори аҳамиятли салмоққа эга бўлиб борди. 2006 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг 79,4 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг таъсири аҳамиятли бўлди. Бу борадаги ислоҳотларнинг мақсадга йўналтирилганлиги, ҳар томонлама асосланганлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида боскичма-боскич амалга оширилди.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётининг фаровонлиги, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги тараққиёти фермер хўжаликларининг ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ. Зоро, хўжалик юритишнинг бу шакли

⁹ Янгиланиш ва баркарор тараккиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимойи-иктисодий ривожлантириши якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Мажхамаси мажлисидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-хукукий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди. Умумий ҳолда мамлакатимизда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожланишини З босқичга бўлиш мумкин.

Халқимизнинг белини маҳкам boglab, пешона тери тўкиб килган машаккатли меҳнати эвазига эришилган бу ютуклар, ўз павбатидан янгиланиш ва баркарор гараққёт йўлидан янада катъий ва изчил ҳаракат килишимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши мукаррар.

И.Каримов (маърузадан)

Енглиси босқич – 1993-1998 йиллар. 1993 йилда «Дехкон (фермер) хўжаликлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан мамлакатимизда 7,6 минг дехқон (фермер) хўжаликлири ташкил этилди (4-илова). Уларнинг ихтиёрида 70 минг гектар ер мавжуд эди, яъни битта фермер хўжалигига 9,4 га ер тўғри келар эди. 1994 йилга келиб дехқон (фермер) хўжаликлари сони қарийб икки марта кўпайди. 1995-1997 йиллар давомида дехқон (фермер) хўжаликлари сонининг ўсиши суръати бирмунча сусайди. Мана шу уч йил давомида қўшимча 7,2 минг дехқон (фермер) хўжаликлари ташкил топди. Шу билан бирга 1993-1997 йиллар ичida бир хўжаликка тўғри келадиган ўртacha ер майдони 2 марта ва ўртacha ишчилар сони 1,7 марта ва кўпайди.

Иккинчи босқич – 1998-2003 йиллар. 1998 йилда фермер хўжалиги алоҳида уклад сифатида тан олинди ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан унинг хукукий асоси яратилди. Шу йили республикамизда 23048 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг ихтиёрида 446,5 минг гектар ер бўлган. Ишчилар сони 163 минг кишидан иборат бўлган. 2001 йилда эса фермерлар сони 55445 нафарга етган, бириктирилган ер майдони ва ишчилар сони уларга мос равишда 1054,7 минг гектарни ва 386 минг кишини ташкил этган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори қабул қилингандан сўнг норентабел қишлоқ хўжалиги корхоналари ўрида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни бошланди. Натижада 2002 йилда 16961 та, 2003 йилда эса 15146 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2003 йилда 87552 фермер хўжаликларига 2148,1 минг гектар ер ажратилган, ҳамда 765 минг нафар ишчилар ишлаб чиқаришда банд бўлган. Шу йил битта фермер хўжалигига ўртacha 24,0 га ер майдони тўғри келиб, бу 1993 йилдагига нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Умуман олганда 1998-2003 йиллар мобайнида 64504 та фермер хўжаликлари ташкил топган.

Учинчи босқич – 2003 йилдан ҳозирги давргача. Ушбу йиллар мобайнида республикамизда бозор шароитига тез мослаша оладиган самарали ва ҳакиқий мулқдорларга айланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Хукумат томонидан яратилган шарт-шароитлар натижасида фермер хўжаликларининг сони сезиларли даражада ўсиб, 2004 йилда 103921 та тани ташкил этди. 2006 йилда эса улар сони 185492 тага етиб, улар ихтиёридаги ер майдони 4881,9 минг гектарни, ишчилар сони эса салкам 1,4 млн. кишини ташкил этди.¹⁰

Фермер хўжаликларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларнинг таъминланиши ўтган давр мобайнида уларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги иштироқининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди (5-илова).

Диаграммадан кўринадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларининг салмоги Сирдарё (48,2%), Жizzах (43,6%), Коракалпогистон Республикаси (36,8%) ва Кашқадарё (35,1%) вилоятларида юкори даражада бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида қишлоқ хўжалиги корхоналари, асосан ширкат хўжаликларининг аҳамиятли улуши Андижон (25,9%), Тошкент (23%), Наманган (19,1%) ва Фарғона (15,4%) вилоятларида сақланиб қолмоқда. Бу эса, мазкур вилоятларда сугориладиган ер майдонларининг камлиги сабабли, ишчи кучи нисбатан ортиқчалигининг олдини олиш тадбирлари билан изоҳланади. Ер майдонлари нисбатан етарли бўлган худудлар, жумладан, Жizzах (1,8%) ва Сирдарё (4,5%) вилоятларида ширкат хўжаликларининг ялпи маҳсулотдаги салмоги энг паст даражада бўлган.

Умуман олганда кейинги йилларда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши республикамизнинг барча вилоятларида ўсиб бормоқда (6-илова). Маълумотлардан кўринадики, республикамиз бўйича фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши 2001 йилдаги 6,9% дан 2005 йилда 24,5% га, яъни 3,6 баравар ўсан. Агар 2000 йилда етиширилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжаликлири хиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетди, бошоқли дон экинлар етишириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили 75 фоиздан иборат бўлди. Бу эса Президентимизнинг ўз маъруzasида «Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни баркарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи харакатлантирувчи кучга айланди»¹¹, деган тугал хуласа чиқариши учун асос бўлди.

¹⁰ Беркинов Б.Б., Ташиматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари / Ўкув кўлланма – Т.: ТДИУ, 2007, 4-5-б.

¹¹ Янгиланиш ва баркарор тараккёт йўлидан янада изчил харакат кишиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимой-иктисодий ривожлантириши якунлари ва 2007 йилда иктисолиди испохотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

Кейинги йилларда зарар келтириб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинган бир катор қарорлар, жумладан, 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли ва 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар билан истиқболисиз ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, бугунги кунда улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ишлари якунига етказилмоқда (4-жадвал). Маъruzada келтирилишича, биргина 2006 йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингта фермер хўжалиги тузилиб, уларнинг ярмидан кўпі мева-сабзавотчиликка ихтисослашган.

4-жадвал

Республикада 1999-2006 йиллар оралиғида зарар келтириб ишлаётган ва истиқболисиз ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари¹²

	Пиллар								Жами
	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	
Тугатилган ширкат хўжаликлари сони	8	8	52	91	177	326	445	666	1773
Улар негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари сони	440	479	3031	3822	11383	15161	25023	74124	133463

Республикамизда зарар келтириб ишлаётган истиқболисиз ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли давлат дастурлари натижасида йилдан-йилга уларнинг сони ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юксалиб бормоқда. Хусусан, 2002-2005 йиллар оралиғида фермер хўжаликларининг сони 173,6 фоизга, уларга биринчирилган ер майдонлари ҳажми 237,2 фоизга, экин майдонлари 215,9 фоизга ошди. Фермер хўжаликларининг бундай самараదорликка эришишида яратилаётган шарт-шароитлар, жумладан, фермер хўжаликлари фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма обьектларининг ташкил этилиши аҳамиятли таъсир кўрсатди (7-илова).

Маъruzada миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатбардош бўлиб бораётгани Президентимиз томонидан 2006 йилда эришилган асосий натижалардан бири сифатида қайд этилди ҳамда мазкур жараёнга «Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишинга, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди» деб, юксак баҳо берилди.

¹² Манба: Салимов Б.Т., Абдуганиев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 36-б.

Дарҳакиқат, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ва ракобатбардошлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири – бу мавжуд экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишdir. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган саъӣ-харакатлар натижасида йилдан-йилга экспорт ҳажми ўсиб бормоқда. Жумладан, 2005 йили ташки савдо айланмаси ҳажми 9,5 млрд. долларга етиб, унинг 5408 млн. долларини (56,9%) экспорт операциялари ташкил этади. Бу ҳар иккала кўрсаткичининг ҳам 2000 йилдагига нисбатан 1,7 баравар ўсганилигини англатади (5-жадвал).

5-жадвал

Экспортнинг товарлар бўйича таркиби (фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Экспорт ҳажми, млн.долл.	3264,7	3170,4	2988,4	3725,0	4853,0	5408,8
Жами	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	27,5	22,0	22,4	19,8	18,1	19,1
Озиқ-овқатлар	5,4	3,9	3,5	2,7	3,8	3,8
Кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	2,9	2,7	3,0	3,1	4,7	5,3
Энергия ташувчилар	10,3	10,2	8,1	9,8	12,4	11,5
Рангли ва қора металлар	6,6	7,0	6,4	6,4	8,6	9,2
Машина ва асбоб-ускуналар	3,4	3,9	3,9	5,9	7,4	8,4
Хизматлар	13,7	14,6	15,9	14,4	11,8	12,2
Бошқа маҳсулотлар	30,2	35,7	36,8	37,9	33,2	30,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Маърузада кўрсатилишича, 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортган. Ташки савдо айланмасининг ижобий сальдоси эса қарийб 2 млрд. АҚШ долларигача ўсан. Энг эътиборлиси, Президентимиз таъбири билан айтганда, «**Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металлар ва турли ҳом ашё етказиб бериш хисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ин-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда. Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толасининг улуши эса 17 фоизгача камайгани ҳам яққол тасдиқлади»¹³.**

Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда ҳали тўлиқ амалга оширилмаётган имкониятлар мавжудлигини

¹³ Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчиҳ ҳаракат қилиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамизdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чукурлаштиришининг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Мажлисидаги матьузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

ҳам таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда анъанавий бозорлар билан чекланиб қолиш, янги экспорт бозорларини очиш ва кенгайтириш борасидаги ҳаракатлар жуда суст бормоқда. Бугунги кунда жами экспортнинг 31,9% МДҲ мамлакатларига йўналтирилган бўлса, унинг 87% дан кўпроғи 4 та мамлакат – Қозогистон, Россия, Тоҷикистон, Украина тўғри келмоқда. Бу эса МДҲнинг қолган мамлакатларидаги талабни ҳам турли ҳамда уларга экспортни кўпайтириш зарурлигини англатади. Айниқса, ўтган йилнинг бошида Ўзбекистоннинг Евросиё Иктисодий ҳамжамиятинга кўшилиши экспортни кучайтиришнинг янги имкониятларини очиб беради. Бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз экспорт бозорларини янада кенгайтириш муҳим хисобланади.

Эътибор каратиш лозим бўлган яна бир масала – бу экспорт таркибидаги ҳом ашё ҳамда тайёр маҳсулот ва хизматлар нисбатидир. Бу борада олиб борилган изчил тадбирлар натижасида кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, юкорида таъкидлаб ўтилганидек, пахта толасининг экспорт таркибидаги улуши 2000 йилдаги 27,5% дан 2006 йилнинг бошига келиб 19,1%га кадар кисқарган бўлса, кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар улуши 2,9%дан 5,3%га, машина ва асбоб-ускуналар улуши 3,4%дан 8,4%га кўпайди.

Бирок хизматлар экспортининг салмоғида сезиларли ўзгаришлар рўй бермаяпти. Бунинг устига, кўрсатилаётган хизматларнинг аҳамиятли қисмини (68,7%)ни транспорт хизматлари ташкил этиб, бошқа турдаги хизматлар – молиявий хизматлар, компьютер ва ахборот хизматлари, юридик, бухгалтерия, маслаҳатчилик ва бошқарув хизматлари, медицина хизматларининг салмоғи у қадар етарли эмас.

Экспорт таркибининг таҳлилидан кўринадики, МДҲ мамлакатларига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар экспорт қилинса, узок ҳорижий мамлакатларга устун равища ҳом ашё товарлари – пахта толаси, кимё маҳсулотлари, рангли металлар экспорт қилинмоқда. Бундан миллый иктисодиётимизда хали узок ҳорижий давлатларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасида маълум муаммолар мавжуд, деган хулоса чиқариш мумкин. Чунки нисбатан тараккӣ этган ҳориж мамлакатлари бозоридан ўрин эгаллаш учун маҳсулот ва хизматларимиз сифати анча юкори ва такомиллашган бўлиши лозим. Шунга кўра, тегишли тармок вазирлик ва идоралари кўпроқ ўз маҳсулотлари сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида таъсирchan тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Маҳсулотнинг экспортбоп бўлишида энг муҳим шарт-шароитлардан бири замонавий технологиялар хисобланади. Бирок бу технологияларга эришиш учун мамлакатдаги илмий салоҳиятдан кенг фойдаланиш ҳамда фан-техника тараккиёти ютукларини ишлаб чиқаришга изчил равища кўллаш керакки, бу чора-тадбирлар муайян вактни талаб этади. Иктисодиётга замонавий илғор техника ва технологияларни жалб этишининг энг қисқа вақт талаб этувчи шакли – ҳорижий инвесторларни жалб этиш орқали тўғридан-тўғри инвестицияларни киритиш хисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги машина ва ускуналар

умумий экспорти ҳажмининг 78,4% хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келиши бу фикрларнинг яқъол далилидир. Шундай экан, иктисадиётда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга кенг йўл бериш ва айни пайтда уларнинг маҳаллий корхоналар билан кооперацион алоқаларга киришишини рағбатлантириш орқали экспорт ҳажмини ошириш мухим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини намоён этишда турля вилоятлардаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг иштирокида кескин тафовутлар кўзга ташланмоқда. Бу борадаги ишларнинг энг катта салмоклиси Андижон (41,2%), Навоий (20,1%), Тошкент (8,6%), Фаргона (7,8%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (13,9%) тўғри келмоқда. Колган вилоятларда эса бу салмок жуда паст. Шу ўринда Президентимиз И.Каримовнинг Халқ депутатлари Фаргона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги «Бугун барчамиз оддий бир ҳакиқатни яхши англаб олишимиз лозим: кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги-янги кўшма корхоналар барпо этиш учун отанг яхши, онанг яхши деб, чет эллик ишбилармонларни кўндириш, замонавий технологияларни олиб келиш, бунинг учун қандай имконият ва имтиёзлар зарур бўлса, ҳаммасини яратиб бериш керак»¹⁴ деган сўзларини эслаш ўринидир.

Ҳозирда мамлакатимиз иктисадиётининг ракобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида кўйидагиларни келтириш мумкин:

- экспорт таркибида тайёр маҳсулот ва хизматларнинг салмогини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий технология ва илғор техникалар билан куроллантириш;

- тайёр маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга йўналтирилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш ва фаолиятини такомиллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги иштирокини рағбатлантириш, зарур шарт-шароитларни яратиш;

- мамлакатнинг экспорт бозорларида мавқенини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги экспорт бозорларини эгаллаш;

- ҳар бир тармок ва ҳудуд кесимида экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи, ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва изчили амалга ошириш ва бошқалар.

Бу йўналишларга устувор эътибор қаратиш ва улар бўйича амалий тадбирларни белгилаш, пировардида мамлакат экспорт имкониятларидан тўларок фойдаланиш ҳамда иктисадиёт ракобатбардошлигини оширишга замин яратади.¹⁵

¹⁴ Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига канот бериш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи. – Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фаргона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутки // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 20 октябрь, 2-б.

¹⁵ Ходиев Б.Ю. Миллий иктисадиёт ракобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари / «Иктисадий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва ракобатбардошлигини оширишнинг мухим омилидир» мавzuидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузаларни тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006, 9-11-б.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар:

1. Мамлакатимизни баркарор ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий манба ва омиллари нималардан иборат?
2. 2006 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичларини бажаришда қандай натижаларга эришилди?
3. Президентимизнинг «ўтган йилда эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиктисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машакқатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, иқтисодиётни изчил ва баркарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди» деган сўзларини изоҳланг.
4. Республикаизда солик тизимини такомиллаштириш жараёни қандай бормоқда?
5. Мамлакатимизда 2006 йилда амалга оширилган йирик инвестиция лойихалари тўғрисида нималарни биласиз?
6. Иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги имкониятлардан самарали фойдаланишининг қандай йўналишлари мавжуд?
7. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўзгаришларнинг асосий мазмуни нималарда намоён бўлади?
8. Президентимизнинг ўз маъруzasida «Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди», деб таъкидлашини қандай изоҳлаш мумкин?

2-БОБ: АХОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОХИДА ЭЪТИБОР – ЮКСАК ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Режа:

1. Ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлида эришилган натижалар.
2. Аҳолининг кам таъминланган ва муҳтоҷ қатламларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни саклаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларнинг ҳаётга татбик этилиши.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида қўлга киритилган ютуклар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: аҳолининг турмуш даражаси, ишчи кучи бандлиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, касаначилик фаолияти, аҳолининг кам таъминланган ва муҳтоҷ қатламларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш, ижтимоий соҳалар мақсадли умуммиллий дастурлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

Мавзуга оид кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини оширишда ишчи кучи бандлигининг роли ҳамда уни таъминлаш имкониятларидан самарали фойдаланиш.
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда мақсадли умуммиллий дастурларнинг аҳамияти ва уларнинг ҳаётга татбик этилиши.
3. Мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўрни ва аҳамияти.

Мавзу бўйича дарснинг мақсади: талабаларга мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда юксак натижа ва ютуқларнинг қўлга киритилишида аҳоли турмуш даражасининг оширилиши ҳамда ижтимоий ҳимоя, ишчи кучи самарали бандлигининг таъминланиши, кадрлар тайёрлаш тизимининг юқори даражада ташкил этилиши каби жиҳатларнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш.

Талабаларнинг идентив ўқув мақсадлари:

1. Мамлакатимизда ишчи кучи бандлигини ошириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, кичик бизнес ва тадбиркорликни рагбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, касаначилик фаолиятининг кенг йўлга кўйилиши мухим аҳамият касб этишини англаш.

2. Мамлакатимизда таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни саклаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя килиш соҳаларида қабул килинган максадли умуммиллий дастурларни бажарилиши тӯғрисида маълумотга эга бўлиш.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида кўлга киритилган ютуқларни аниқ баён эта олиш.


Мавзунинг баёни

Мамлакатимиз иктисодий сиёсатининг асосий максадли йўналишларидан бири – аҳолининг юксак турмуш даражасини таъминлашдан иборат. Шунга кўра, 2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, ҳалқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилганлиги Президентимиз маъруzasида мухим жиҳатлардан бири сифатида белгилаб берилди¹⁶.

Аҳолининг турмуш даражаси унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан кондирилиши даражаси орқали намоён бўлади. Шу билан бирга, аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига куйидаги турухларни олади: тугилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар; ҳаёт кечиришнинг санитар-гиена жиҳатидан шароитлари; озиқ-овқат товарларини истеъмол килиш даражаси; турар жой шароитлари; маълумот ва маданият; меҳнат килиш ва бандлик шароитлари; аҳолининг даромадлари ва харажатлари; ҳаёт кечириш киймати ва истеъмол нархлари; транспорт воситалари; дам олишни ташкил этиш; ижтимоий таъминот.

2- диаграмма

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сонининг динамикаси (хисобот даври бошинга, минг киши)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹⁶ Янгиланиш ва баркарор тарраккиёт йўлидан янада изчил ҳаракат килиш, ҳалқимиз учун фаронон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносий ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъруzasи // Жалъ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

Шу ўринда, мамлакатимиз аҳолиси сонининг йилдан-йилга ўсиб бораётганинги қайд этиш мухимдир (2-диаграмма). Мазкур ўсишнинг асосий омилларидан бири сифатида түғилиш даражаси хисобланади.

Бирок, аҳоли сонининг ўсиши унинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш борасида ҳам муайян масъулиятларни келтириб чиқаради. Булардан асосийси – фаровон ҳаёт кечириш учун иш ўрни ва етарли даромад ҳажмига эга булиш хисобланади. Шунга кўра, ҳар кандай ижтимоий йўналтирилган тараққиёт йўлидан бораётган мамлакат учун ишчи кучи бандлиги муаммосини ҳал этиш мухим хисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич чукурлаштириб борилиши иш билан банд аҳоли сонининг ўсишини таъминламоқда (6-жадвал). Айниқса, иш билан бандлик ўсишининг юкори даражаси иқтисодиёт хусусий секторининг жадал ривожланиши билан боғлиқдир.

6-жадвал

Иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича банд аҳолининг тақсимланиши (тегишли давр бўйича ўртача, минг киши)

Кўрсатчилар	Йиллар			
	2003	2004	2005	2006
Банд бўлғанлар сони, жами	9589,0	9910,6	10196,3	10467,0
Иқтисодиёт тармоқлари бўйича:				
Саноат	1223,3	1283,9	1347,5	1402,4
кишлоп ва ўрмон хўжаликлари	3063,0	3042,5	2969,5	2963,5
транспорт ва алоқа тизимлари	432,8	461,0	488,1	506,9
Курилиш	763,3	808,1	848,5	876,6
савдо, умумий овқатланиш, МТЛ,	815,0	857,6	963,9	977,2
тайёrlов соҳалари				
уй-жой ва коммунал хўжалигида ҳамда аҳолига маший хизмат кўрсатиш соҳаси	285,4	301,1	316,4	331,2
согликни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот гизимлари	654,4	689,0	735,5	768,1
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий таъминот тизимлари	1257,4	1321,0	1385,1	1434,5
молия ва кредит тизими	50,4	52,8	54,2	54,4
бошқа соҳалар	1719,6	1093,6	1147,6	1152,2
Давлат секторида, %	23,2	23,1	22,9	22,4
Нодавлат секторида, %	76,8	76,9	77,1	77,6

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, мамлакатимиз иқтисодиётининг нодавлат секторида иш билан аҳолининг 77,6 фоизи бандdir. Тадбиркорлик фаолияти

Энг мухими, инсон аниқ максад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва мальавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади
И.Каримов (маърузадан)

учун кенг йўл очиб берилиши ва кулай шарт-шароитларнинг таъминланиши ўз навбатида бу соҳада банд бўлганлар сонининг ўсишини жадаллаштириди. 2006 йилда янги иш ўринларининг 85%ни кичик бизнес соҳасида яратилди. Кичик тадбиркорликнинг устувор ривожланиши натижасида ушбу соҳа Республика бўйича жами иш билан банд бўлган аҳолининг 65,5%ни қамраб олди. Фермер хўжаликларида 1396,8 минг кишидан иборат аҳоли банд бўлди. Банд бўлган ишчи кучининг асосий кисми иктисолиётнинг реал секторига тўғри келди. 2005 йилда реал сектор иш билан банд бўлган аҳолининг 67,1%-ини ўзига олиб, унинг янада ривожланиши 129,2 минг кишини иш билан таъминлаши имконини берган бўлса, 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначиликнинг фаол ривожланиши натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Бандликни шакллантириш жараёнларига бозор тамойиллари ва механизмларининг таъсири кучайди (7-жадвал).

7-жадвал

Жорий ишчи кучи бозоридаги асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Иш излаётганлар сифатида рўйхатга олинганлар, минг киши	421,4	462,8	448,2	430,5	425,0	410,3
Иш билан таъминланганлар, минг киши	280,6	318,1	322,2	317,4	323,7	325,1
Рўйхатга олинганлар таркибида иш билан таъминланганлар сони, %	66,6	68,7	71,9	73,7	76,2	79,2
Хисобот даври охирига ишсизлар сони, минг киши	35,4	37,5	34,8	32,2	34,8	27,7

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат натижасида жорий ишчи кучи бозорида куйидаги асосий тенденциялар намоён бўлмоқда:

- иш излаётганлар сифатида меҳнат биржасида рўйхатга олинган ишчи кучи сонининг камайиб бориши;
- меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида ёшлар сонининг нисбатан камайиши натижасида ишчи кучи ресурслари ёшининг улгайиб бориши;
- ишчи кучи бозорида малакали ишчи кучларининг таклифи нисбатан ва мутлақ кўрсаткичларда пасайиб, ишчи кучининг асосий кисмини касб ва мутахассисликка эга бўлмаган кишилар ташкил қилиши;
- мамлакатимиздаги меҳнат биржалари фаолиятининг самарадорлиги ошиши натижасида жорий ишчи кучи бозорида юкори даражадаги фаоллашувнинг кузатилиши;

Шуни таъкидлаш жонзки, биз катта сармоя, маблаг талаб қўймайдиган касаначиликни йўлга кўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни кўлидан иш келадиган одамларга, оиласаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила кўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёкараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдida бошни кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнакига ўз хиссасини кўшади.

И.Каримов (маъruzadan)

- жорий ишчи кучи бозорида ишчи кучига бўлган таклифнинг унга бўлган талабдан юкори бўлиш ҳолатининг сақланиб колиши;

- жорий ишчи кучи бозори инфратузилмасида касбий таълим олган ишсизлар сонининг камайиши.

2006 йилда иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгариш ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шугулланиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, мұхтож оиласларни чорва моллари билан таъминлаш борасида килинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди. Бундай аҳамиятли чора-тадбирларнинг кўлланиши пировардида ишчи кучи бандлигининг 2,7 фоизга, шу жумладан, саноатда 9 фоизга ўсиши, кишилек хўжалигида банд бўлганларнинг сонин эса 4 фоизга камайишига олиб келди.

Шу билан бирга, Президентимиз бу йўналишда амалга оширилган ишларга қарамасдан, бугунги кунда мамлакатимизда вактинчалик ишларда банд бўлганлар сони салкам 300 минг нафарни ташкил этаётганига, 560 мингдан зиёд киши ёки меҳнатга лаёқатли фаол аҳолининг қарийб 5 фоизи ишга жойлашишга мұхтож эканига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги самарадорлигини таъминлаш учун давлатни бандлик сиёсатининг қўйидаги йўналишларини кучайтириш мақсадга мувофиқидр:

- оиласларий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантиришини жадаллаштиришни таъминлаш;

- мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириши;

- йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг қарорлари фойдаланиш;

- маҳаллий хом ашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бердошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиласидаги тармокларини жадал ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, кишилек жойларида кишилек хўжалигига тааллукли бўлмаган бандлик соҳаларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш;

- ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шугулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳалкимизнинг фаровон турмушини таъминлаш манбай бўлган иш билан бандлик даражасининг янада ошишига, аҳолининг ижтимоий мухофазасининг кучайишига янада кенг ўйлоб беради.

Президентимиз ўз маърузасида 2006 йилда аҳолининг кам таъминланган ва мұхтож қатламларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аник йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий

химоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбик этиш масалаларига катта эътибор каратилганини таъкидлаб ўтди. Фақатина «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 млрд. сўм, жумладан, 133 млрд. сўм бюджет маблаги, 151 млрд. сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблаги сарфлангани ҳам шундан далолат беришини қайд этди.

Республикамида ишлаб чиқилган умуммиллий дастурларнинг изчил амалга оширилиши орқали ижтимоий соҳа объектларининг ишга туширилишида муҳим натижалар кўлга киритилди (8-илова).

Президентнимиз маъруzasидаги энг муҳим жиҳатлардан бири – ёш мутахассис ва кадрларни тайёрлаш, уларга замонавий билиmlар берниш, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга жиддий эътибор қаратилишидир. «Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак мэрраларни згаллашга кодир бўлади. Бизнинг мутахассислар, ёшларимиз қандай замонавий, юксак технологияларни ўзлаштира олаётганини кўриб турибмиз. Бугун касб-хунар коллекцияларини, олий ўкув юртларини битираётган болаларимиз ҳеч кимдан кам эмас»¹⁷.

Дарҳақиқат, 2006 йилги танлов натижаларига кўра 20 нафар Ўзбекистон фуқаролари Японияга юборилди. 1999 йилдан бўён жами 138 нафар фуқароларимиз Япония грантларига сазовор бўлишиди. Улардан 83 нафари магистр даражасига эга бўлиб қайтиши, 55 нафари ўқишини давом эттироқда. Шунингдек, ўтган йилда Россия Федерацияси (52 та ўрин), Хитой Халк Республикаси (20 та ўрин) ва Словакия (2 та ўрин) хукуматлари томонидан ажратилган грантларга танловлар ўтказилди.

Бу ютукларнинг барчаси мамлакатимизда билим ва маърифат, фан ва таълим, маънавиятга бўлган ҳар томонлама кучли эътиборнинг ҳосиласидир.

Жумладан, 2006 йилда Республикамиз Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасаларининг фаолиятида ҳам муҳим натижа ва кўрсаткичлар кўлга киритилди (9-илова).

Мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққиёти нафакат тайёрланаётган юқори малакали кадрлар сонига, балки уларнинг иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида фаолият кўрсатиши учун мутахассислик ҳамда йўналиш жиҳатидан таркибининг мувофиқлигига ҳам bogлиқdir. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш, енгил саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, ахборот ва алокса, нефть-газ ва кимё, гўшт-сут, ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг устувор равишда ривожланиши учун энг аввало мазкур соҳалар бўйича замонавий билиmlарга, илгор техника ва технологиялар билан

¹⁷ Янгиланиш ва баркарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантариши якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришининг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Мажкамаси мажлисидаги маъруzasи // Халк сўзи, 2007 йил 13 февраль

«тиллаша» оладиган мутахассис кадрларни етказиб бериш зарур. Шунга кўра, ҳозирда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан мазкур соҳалар бўйича мутахассисларга бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжлар аниқланниб, бу эҳтиёжларни имкон кадар тез ва сифатли таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда (10-илова).

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, XXI аср – ахборот ва коммуникациялар асри экан, малакали мутахассис кадрларни ҳам ахборот-коммуникация бўйича билим ва малакасиз тасаввур килиш мумкин эмас. Шунга кўра, бугунги кунда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи энг муҳим йўналишлардан бири – ахборот коммуникация технологиялари соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган. Бу борада кейинги йилларда кўлга киритилаётган муваффакиятлар ҳам тобора салмоқли бўлиб бормоқда (11-илова).

Бугунги кунда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш, уларни ҳар бир мутахассислик ва соҳалар бўйича кўллаш имкониятларини излаш, мазкур технологияларни янада такомиллаштириш жараёнларида иштирок этиш энг аввало бу борадаги билимларни берувчи, тарғиб этувчи педагогик кадр ва мутахассисларни тақозо этади. Шунга кўра, мамлакатимизда йилдан-йилга ахборот коммуникация технологиялари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда (12-илова).

Олий таълим тизимининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан унинг молиявий маблағлар билан етарли даражада таъминланишига боғлиқ. Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг фаолияти асосан 3 та йўналишдаги маиба воситасида молиялаштирилмоқда: бюджет маблағлари, талабаларни тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушган маблағлар ва тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар (13-илова).

Маълумотлардан кўринадики, кейинги йилларда олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг ижтимоий химоясига бўлган эътибор кучаймоқда. Жумладан, 2006 йилда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг ижтимоий химоясига сарфланган жами маблағлар олдинги йилга нисбатан 198,8 фоизга, шу жумладан, моддий раббатлантириш 229,9 фоизга ошган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ўрта маҳсус, кааб-хунар таълими тизимининг ўрни ҳам бекиёс бўлиб, ҳозирга кадар мазкур тизимда ҳам салмоқли натижалар кўлга киритилди. Бугунги кунда ушбу тизимдаги таълим муассасалари сони 1055 тага этиб, шундан 99 таси академик лицей, 956 таси касб-хунар коллежларидир. Буларда таълим олаётган ўкувчиларнинг сони 1млн. 82 мингдан зиёдроқ бўлиб, уларнинг 94 фоизи касб-хунар коллежлари, 6 фоизи академик лицейларга тўғри келади. Мазкур муассасалардаги педагоглар ва мутахассис-педагогларнинг умумий сони 70678 нафарни ташкил этиб, уларнинг 91% олий маълумотлидир. Лицей ва коллежларда 121 нафар фан доктори, 953 нафар фан номзоди ёшларга таълим берib келмоқда.

**Фарзандлари
келажагини
ўйлаб яшаш –
ўзбек миллатига
хос фазилат.**

**И.Каримов
(мърузадан)**

Маърузада белгиланганидек, биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-хунар коллежи куриб, фойдаланишига топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция килинди, 530 та мактаб эса таъмирланди. Умуман олганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра жами 1086647 ўринли 1575 та академик лицей ва касб-хунар колледжларини куриш кўзда тутилган. Шу кунга кадар, яъни 1998-2006 йилларда жами 706522 ўринли 924 та академик лицей ва касб-хунар колледжлари курилиб, фойдаланишига топширилди.

Бу ўкув муассасаларини куришга 1126,2 млрд. сўм микдорда бюджет маблаглари сарфланди. Яъни, ўртача хисоблаганда, битта колледж курилишига 1,4 млрд. сўм, битта ўкувчи ўрнини яратишга 2,5 млн. сўмни ташкил этади. 2007 йилда жами 123285 ўринли 199 та академик лицей ва касб-хунар колледжларини куриш белгиланган.

Кадрлар тайёрлаш жараёнига таълим муассасаларининг замонавий ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шунга кўра, мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-хунар колледжларини ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича дастурда алоҳида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур мақсадда 1998-2006 йилларда Республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан 76,3 млрд. сўм маблаг ажратилган бўлиб, ушбу маблаглар ҳисобига 842 та касб-хунар колледжлари ва 82 та академик лицейлар ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Жумладан, 2006 йилда Республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан 76,3 млрд. сўм маблаг молиялаштирилган бўлиб, 117 та касб-хунар колледжлари ва 6 та академик лицейлар ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 2007 йилда бу мақсадларга 16,01 млрд. сўм маблаг ажратилиши мўлжалланган.

Ўрта максус, касб-хунар таълими муассасаларини ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашда хорижий инвестиция кредитларидан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, 1998-2006 йилларда 924 та таълим муассасаларининг 371 таси (40,2%), шу жумладан, 2006 йилда 62 таси хорижий инвестиция кредитлари ҳисобидан тўлиқ жиҳозланди. Бунинг учун 135,6 млн. АҚШ доллари микдорида ўкув-лаборатория жиҳозлари харид килинди. Ўрта максус, касб-хунар таълими муассасаларини ўкув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича 2006 йил Инвестиция дастурига киритилган хорижий лойиҳалар ва уларнинг бажарилиши бўйича маълумотни 14-иловадаги жадвалдан кўриш мумкин.

Шунингдек, 2007 йилда таълим муассасаларини хорижий инвестиция кредитлар ҳисобидан 14 та академик лицей ва 100 та кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги касб-хунар колледжларини жиҳозлаш бўйича Инвестиция дастури доирасида Корея хукуматининг 22,9 млн. АҚШ долл. ҳамда Бельгия

Қироллиги хукуматининг 5,04 АҚШ долл. миқдоридаги хорижий лойихаларини ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз ўз маъруzasida Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида 1997 йилдан бўён касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда иктисадиётимизнинг турли соҳа ва тармоклари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадрлар тайёрланганлигини таъкидлаб, бугун мана шу дастурни бутун дунё эътироф этажланлигини, ушбу таълим муассасаларини битирган минг-минглаб ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффакиятли ишлаётганлигини билдири.

Президентимизнинг «Шу маънода, мамнуният билан айтиш мумкинки, мана шу ўн йил биз учун бекор ўтгани йўқ. Бу ишларимизнинг дастлабки ҳосилини кўра бошладик. Бизнинг ишимиизга кимки баҳо бермокчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боксин»¹⁸, деган сўzlари мамлакатимиз ёшларининг истиқболи порлок эканлиги, халқимизнинг уларга бўлган умид ва ишончи муқаррар равишда рўёбга чиқишидан яна бир бор дарак беради.

Шунингдек, ўтган йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатувчи қуйидаги мухим жиҳатлар кузатилди:

- ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳак тўлашнинг сифат жиҳатидан мутлако янгича усувлари жорий этилди;
- мактаб директори фондлари тузилди ва ўтган йили шу фондлар орқали 190 минг нафарга яқин ўқитувчи рағбатлантирилди;
- соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилди ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати оширилди;
- мамлакатимизда спортни, биринчи галда, болалар спортини ривожлантиришга эътибор кучайтирилди;
- тиббиёт ходимлари ва ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилди.

Президентимиз “Мамлакатимизнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш натижаларига якун ясаб, 2006 йил – бозор иктиносидиёти ва демократия йўлида чуқур ислохотлар амалга оширилган,

Мана бу бизнинг катта ютуғимиз. Биз 600 минг ёш, келажакка интилган, кўзлари ёниб турган йигит-қизларнимизни ҳаётга тайёрладик. Уч йиллик ўқиш давомида замонавий касб ва дунёқарашиб эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлодимиз ҳаётга кириб келмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

¹⁸ Янгиланиш ва барқарор таракқиёт йўлидан янада изчил ҳаракат килиш, халқимиз учун фарновон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктисадий ислохотларни чуқураштиришининг энг мухим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

иқтисодиётимиз юксак суръатлар билан ривожланган, эл-юртимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида ижобий ўзгаришларга эришилган йил бўлди”¹⁹, деб ишонч билан айтишга барча асослар мавжудлигини билдири.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мамлакатимизда самарали ишчи кучи бандлигини таъминлаш борасида қандай ҳал этилмаган муаммолар мавжуд?
2. Иктисолиётдаги таркибий ўзгаришларнинг ахоли турмуш даражасини юксалтиришга қандай таъсири бор?
3. Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожланиши ишчи кучи бандлигига қандай таъсир кўрсатади? Ишсизлик даражаси ўсиши олдини олишининг қандай йўллари мавжуд?
4. Касаначилик фаолияти нима? Унинг ишчи кучи бандлигига қандай таъсири бор?
5. Мамлакатимизда таълим, кадрлар тайёрлаш, соглиқни сақлаш ва ахолини ижтимоий химоя қилиш соҳаларида қабул килинган максадли умуммиллий дастурлар тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида қандай ютуклар кўлга киритилди?
7. Таълим муассасаси моддий-техника базаси нима? Унинг ривожланганлик даражасини ифодаловчи қандай кўрсаткичлар мавжуд?
8. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?

¹⁹ Янгиланинга ва баркарор тараққиёт йўлидан янада изил харакат килиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамизди. Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисолий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишиланган Вазирлар Мажлисидаги маърузаси // Ҳаққ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

3-БОБ: ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР ВА МУТАНОСИБ СУРЬАТЛАРДА ЎСИШИ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ, ХУСУСИЙ БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ КУЧАЙТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ СИФАТИДА

Режа:

1. Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш.

2. Хусусий бизнес учун қуляй шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш – иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устувор йўналиши сифатида.

3. Хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама кучайтириш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари, таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётни модернизациялаш, тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини эркинлаштириш, кишлек жойларда кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш бўйича ягона дастур, коммуникация тизимлари, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик хукуки, кооперация алоқалари, бозор иқтисодиёти институтлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, имтиёзли хорижий сармоялар, Инвестиция дастури, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминланган кўмакланиш агентлиги.

Мавзуга оид кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши, таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, энг муҳим тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришнинг мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўрни.

2. Мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда қуляй бизнес шароитларини яратиш, унинг хукукий асосларини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириб бориш, хусусийлаштиришга нисбатан муносабат ва ёндашувларни ўзgartирishi, бозор иқтисодиёти институтларини кенг ривожлантиришнинг зарурлиги.

3. Хорижий инвестицияларни етарли даражада жалб этиш учун тегишли чора-тадбирларни қўллаш, инвестиция мухитини яхшилаш, тегишли тузилма ва ташкилотларни шакллантиришнинг аҳамияти.

Мавзу бўйича дарснинг мақсади: талабаларда ижтимоий-иктисодий тараққиётга эришиш учун мамлакатимизда барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, муҳим таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иктиносидиётни модернизациялаш, хусусий бизнеснинг ҳукуқий асосларини таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш, бозор иктиносидиёти институтларини ривожлантириш, инвестиция мухитини яхшилаш зарурлиги борасида билим ва тушунчалар ҳосил қилиш.

Талабаларнинг идентив ўқув мақсадлари:

1. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун таркибий ўзгаришлар ва иктиносидиётни модернизациялашни таъминлаш, тармоқларни техник ва технологик жихатдан янгилаш, солик сиёсатини янада эркинлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва коммуникация тизимларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жихатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш зарурлигини асослаш.

2. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳукуқини ҳимоя қилиш, хусусийлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш, давлат назорат органларининг корхоналар ҳўжалик фаолиятига ноконуний аралашувига тўла барҳам бериш, бозор иктиносидиёти институтларини кенг ривожлантириш бўйича аниқ тасаввур ҳосил қилиш.

3. Мамлакатимиз иктиносидиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, 2007 йил учун Инвестиция дастурига киритилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари тўғрисидаги билимларни намоён кила олиш.


Мавзунинг баёни

Президентимиз маърузасининг асосий кисми 2007 йилда мамлакатимизда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш борасидаги вазифаларга багишлианди. Мазкур устувор йўналишлар, улар доирасида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар ва кўлга киритилиши кутилаётган натижаларнинг асосий мазмунини 2-чизма оркали кўриш мумкин.

Президентимиз томонидан 2007 йилда биринчи навбатдаги ҳал килувчи асосий вазифа – биринчи устувор йўналиш “иктиносидиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жихатдан янгилаш, солик сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат”²⁰ эканлиги кўрсатиб берилди.

²⁰ Янгиланиш ва барқарор таржихет йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктиносий ривожлантириш якулари ва 2007 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasasi // Ҳалқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда уларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар²¹



²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган маърузаси ҳамда Вазирлар Мажлиснинг карори асосида тайёрланди.

Шунингдек, мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 2007 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларига тўхталиб ўтилди (8-жадвал). Мазкур устувор йўналиш асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди (3-чизма).

2007 йилда ҳам мамлакатимизда солик сиёsatини янада эркинлаштириш ва солик органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишларнинг давом эттирилиши мазкур жараёнларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлашда катта аҳамиятга эгалигидан далолат беради. Умуман олганда, мамлакатимиз солик тизимининг мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилиши ундаги солик ва йиғимлар турларининг доимий равишда ўзгариб бориши орқали ҳам намоён бўлади (15-илова).

8-жадвал

**2007 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва
ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари**

№	Асосий кўрсаткичлар	Мўлжал, фоизда
1.	Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши	7,7
2.	Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши	7,8
3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши	5,0
4.	Инвестициялар ҳажмининг ўсиши	25,5
5.	Инфляция даражасининг қискариши	5-7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлиснадаги маърузаси.

Маърузада белгиланишича, даромад солиги ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солик тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, иқтисодий эркинлаштириш орқали давлат зиммасидаги бир қатор ваколатлар ва вазифаларнинг кўйи бўғинларга, яъни, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ҳокимият бўғинларига ўтказилиши пировардида солик тўловчилар зиммасидаги солик юкини камайтириш учун моддий асоснинг яратилишига олиб келди.

Республикамизда изчил солик-бюджет сиёsatининг амалга оширилиши, солик юкини камайтириш билан боғлик чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши солик тўловчиларда ишлаб чиқариши кенгайтиришга шароит яратилиши, ишлаб топилган ва уларнинг ўзларида қолдирилаётган маблағларнинг реинвестиция қилиниши оқибатида кўшимча солик объектининг пайдо бўлиши хисобига нафақат бюджетдаги йўқотишлар ўрнининг қопланиши, балки солик тўловчиларнинг кўшимча даромадларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш имкониятининг ошишига олиб келади.

Иктиносидий истроҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалига оширишга масъул идоралар ва кутилаётган натижалар²²

<i>I-устувор йўналиши:</i>		
Баркарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини, иктиносидий таркибий узғартириш ва модернизация қилишини, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашини, солик сиёсатини япада эркинлаштиришини тъминлаш		
Асосий вазифалар	Ижро учун масъул идоралар	Кутилаётган натижалар
Иктиносидийтнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиши ва дастурларни ишлаб чиқиш	Вазирлар Маҳкамаси. Иктиносидийт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иктиносидий алокалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги. Марказий бяник	Иктиносидийтнинг етакчи тармоқларини замонавий технологиялар билан жихозлаш орқали уларнинг ўсиши ва самараси ошишига зришилади
Корхоналарнинг ишлаб чиқариш базасини модернизация қилишини раббатлантириши тизимини яратиш бўйича хукумат карори лойиҳасини тайёрлаш	Молия вазирлиги, Иктиносидийт вазирлиги, Ташки иктиносидий алокалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солик кўмитаси	Модернизациялаш ва янгилаш жараёнларига йўналтирилган сармояларга солик имтиёзларининг кўлланилиши иктиносидийтнинг замонавий техника ва технологиялар билан жихозланишига олиб келади
Кишлоқ хўжалигига иктиносидий истроҳотларни чуқурлаштиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш	Вазирлар Маҳкамаси, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иктиносидийт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фермер хўжаликлиари уюшмаси:	Кишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммолар бартараф этилади, тармоқнинг самарали таркиби шакланади, ишлаб чиқариш инфраструктурунга такомиллашади
Хизматлар ва сервие соҳасини ривожлантириш дастурини такомиллаштириш	Алоқа ва ахборотлантириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соглиқни сақлаш вазирлиги, Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, «Ўзбектурисим» компанияси	Иктиносидийтнинг хизмат соҳасининг урни ва роли ошади, унинг сифати ва савиаси кўтарилади, хизмат кўрсатишнинг янги турлари йўлга кўйилади, мазкур соҳадаги бандлар саломги ошади
Автомобиль йўлларини ривожлантириши концепциясида назарда тутилган топширикларни бажариш	Молия вазирлиги, Иктиносидийт вазирлиги, Республика йўл жамгармаси, «Ўзавтотойўл» давлат-акциядорлик компанияси	Халқаро, давлат ва маҳаллий ахамиятга эга бўлган янги автомобил йўллари курилади, мавжудлари реконструкция килинади

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносидий истроҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисингиннагарори асосида тайёрланди.

Мамлакатимиздаги солик тизимини соддалаштирилиши ва унификация килиниши, солик юкининг янада камайтирилиши куйидаги бир катор вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига моддий замин яратади:

- солик юкининг камайтирилиши орқали солик имтиёзларининг кенгайтирилиши хорижий инвестицияларнинг жалб килиниши ва иқтисодиётни модернизациялашни кенгайтиришга имкон яратади;

- солик тизимини соддалаштириш ва солик ставкаларини пасайтириш ўз навбатида хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтиради, бизнес учун қулаги мухит яратади ва унинг кафолатларини мустаҳкамлайди;

- солик юкини камайтириш ҳисобига солик тўловчилар ихтиёрида қоладиган 250 млрд. сўмлик маблағлар реинвестиция килинишга ҳамда ишчи ходимларнинг иш ҳақига йўналтирилишига тавсия килиниши, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солик ставкасининг оралиқ чегаралари бўйича пасайтирилиши корхоналарнинг меҳнат ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловнинг 25 фойздан 24 фойзгача туширилиши (16-илова), жисмоний шахслардан олинидиган даромад солиги бўйича имтиёзларининг кенгайтирилиши пировардидা аҳолининг даромадлари ошишига, ҳамда иш **ўринларининг яратилишига олиб келади**;

- солик юкини камайтириш натижасида солик тўловчилар ихтиёрида колган маблағлардан самарали фойдаланиш аҳоли даромади ва бандлик даражасини ошириш орқали ҳарид талабининг жадал ўсишини таъминлайди. Бу масалани ҳал этишга хизмат қилувчи қадамлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармонининг қабул қилиниши ва унга мувофиқ корхоналар томонидан касаначиларга берилган буюртмалар бўйича меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан беш йилга озод этилиши, шунингдек, корхоналар томонидан касаначиларга текин фойдаланишига берилган мол-мулклар қиймати бўйича мол-мулк солиғидан озод қилиниши катта рағбатлантирувчилик аҳамиятига эгадир (17-илова);

- солик соҳасидаги ислоҳотларни чукурлаштириш ва солик юкини камайтириш экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишини ҳам таъминлайди;

- солик тизимидағи ислоҳотларни чукурлаштириш уй-жой коммунал хўжалигидағи ислоҳогларни чукурлаштириш ҳамда энергия ресурсларидан фойдаланишида тежамкорликни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ҳам таъсир кўрсатади.²³

Шунингдек, маърузада айни пайтда саноатнинг ёқилғи-энергетика, нефть-газ-кимё мажмумалари, энергетика, олтин қазиб олиш ва рангли металлургия, кимё ва қурилиш материаллари саноати каби тармоклари,

²³ Тухлиев Б., Азизов О. Солик юкини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили / Ўкув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 8-12-б.

аҳборот ва коммуникация технология соҳалари доимий диккат марказда бўлиши таъкидланади. Енгил саноат тармоқлари, шу жумладан, тўқимачилик саноати, хомашёни қайта ишлаш тармоқларининг бой манбалари ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича салоҳиятидан етарли даражада фойдаланиш мақсадида бу соҳаларнинг ўсиши ва самарасини оширишга жиддий аҳамият берилади.

Президентимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишни изчилик билан давом эттириш алоҳида эътиборни талаб қиласиган мухим масалалардан бири эканлигини таъкидлаб, истиқлол йилларида бу соҳада кўлга киритилган галла мустақиллиги, пахта толосини экспорт қилиш бўйича натижаларга тўхталиб ўтди. Шу билан бир каторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарасини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шакларини тубдан ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқларимизни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифалари доимий эътибор марказида туриши шартлигини эслатиб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги 2006 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25,0 фоизини етишириб берди, иктиносидёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 28,3 фоизи қишлоқ хўжалиги хиссасига тўғри келди (9-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иктисолиётидаги қишлоқ хўжалиги тармоғининг тутган ўрни (ҳақиқий нархларда, млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Ялпи ички маҳсулот	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15210,4	20759,3
Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	1476,3	2244,2	2801,8	3242,3	3801,6	7314,0
Қишлоқ хўжалигига ЯИМдаги салмоғи, фоизда	30,0	30,1	28,4	26,4	25,0	25,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1320,9	1526,6	1978,1	2629,0	3165,2	3838,3
Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги тармогига	71,8	102,2	98,5	113,6	137,9	175,8
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, фоизда	5,5	6,7	5,0	4,3	4,4	4,6
Иктисолиётда банд бўлган аҳоли сони, минг қиши	9136,0	9333,0	9589,0	9910,0	10196,3	10467,0
Шу жумладан: қишлоқ хўжалигига банд	3054,0	3038,3	3055,0	3035,2	2967,4	2963,5
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, фоизда	33,4	32,6	31,9	30,6	29,1	28,3

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси мальумотлари.

Олдимизда турган, алоҳида эътиборни талаб қиласиган янга бир мухим масала – бу қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишни изчилик билан давом эттиришдан иборат.

И.Каримов
(маъруздан)

Жадвалдан кўринадики, Республикаиз аграр тармогида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. Утган 2001-2006 йиллар оралигига жорий нархларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти киймати ўсиб бориш динамикасига эга бўлиб, 2001 йилдаги 1476,3 млрд. сўмдан 2005 йилда 7314,0 млрд. сўмга етган ёки деярли 5 баравар ўсган.

Кишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан манфаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти кўйидагиларда намоён бўлади:

- қишлоқда мулкий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ҳақиқий ер, маҳсулот ва мулк эгаларини шакллантириш;

- чекланган ер-сув ва бошқа моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга имкон яратувчи хўжалик юритиш тизимини жорий этиш;

- фермер хўжаликлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим – ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш;

- шартнома муносабатларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини ва жавобгарлигини таъминлаш;

- саноат ва аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни тўла ва ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун ислоҳотларнинг кўйидаги йўналишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда:

- маъмурий-хукукий ислоҳотлар;
- мулкий ва таркибий ислоҳотлар;
- ер-сув ислоҳоти;
- нарх ислоҳоти;
- молия-кредит ва солиқ ислоҳоти;
- ташкилий-институционал ислоҳотлар.

Кишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичлариданоқ ислоҳотларнинг хукукий негизини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ислоҳотларнинг хукукий-меъёрий негизини шакллантиришда энг аввало кўйидаги тамойилларга таянилди:

- қишлоқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан самарали тармок таркибини ва ташкилий-бошқарув тузилмасини яратиш;

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

- турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этиш;

- бозорнинг очиклигини таъминлаш ва барча хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг шароитларда, самарали фаолият юритишига имкон берувчи хукукий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш;

- монополияга карши кураш ва адолатли ракобат мухитини кўллаб-куватлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳамда құллаб-куватлаш;

- хусусий мулк дахлизислиги ва тадбиркорлик әрқинлигини ҳимоялаш ва уларнинг хукуқлари кафолатларини белгилаш;

- қонунлар устуворлигини таъминлаш ва унинг мониторинги.

Мамлакатимизда амалга оширилган ер ислоҳотининг асосий мазмунини күйидаги жиҳатлар орқали намоён бўлади:

- 2004 йилдан бошлаб барча кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер участкаларидан фойдаланишининг ижара шаклига ўтказилди;

- ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга факат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;

- ер участкалари ижарага 30 йилдан 50 йилгача берилиши белгилаб қўйилди;

- ер участкаларидан фойдаланиш ҳукуқини мерос қилиб колдириш тизими жорий этилди;

- ўз маблаги ҳисобидан ер ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган сув ислоҳотининг асосий мазмунини күйидаги жиҳатлар орқали намоён бўлади:

- ирригация тизимларини бошқаришининг маъмурий-худудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтказилди;

- Республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва битта Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик Марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этиш йўлга қўйилди;

- сув ресурсларидан мукаммал фойдаланишни таъминлаш учун соҳада бозор тамойилларига ўтиш белгиланди.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилаш тизимини ислоҳ қилиш күйидаги чора-тадбирлар орқали амалга оширилди:

- давлат томонидан сотиб олинаётган паҳта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархдан келиб чиқкан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;

- давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархини минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиқкан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;

- бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқкан ҳолда шартнома асосида белгиланди.²⁴

Президентимиз ўз маъруzasида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарасини оширишда қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар куриш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш бўйича 2007-2011 йилларга белгиланган ягона дастурни ишлаб чиқишининг зарурлигини, бу дастурда қишлоқни ривожлантиришининг асосий йўналишларини амалга

²⁴ Салимов Б.Т., Абдуганиев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигига иктисадий ислоҳотларни чукурлаштиришининг асосий йўналишлари / Ўкув кўлланма – Т.: ТДИУ, 2007, 47-48-б.

ошириш учун тегишли тадбирлар, шу жумладан, молиявий омиллар ва солик имтиёзлари кўзда тутилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шу ўринда, мамлакатимизда 2006-2010 йиллар мобайнида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури қабул қилинганилиги ҳамда уни амалга ошириш борасида маълум тадбирлар белгиланганилигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур дастурнинг мақсади шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида 2006-2010 йиллар мобайнида чорва молларини, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришини рағбатлантиришдан иборат.

Бу дастурнинг амалга оширилиши жойлардаги мутасадди раҳбарлар томонидан кўйидаги ишларнинг бажарилишини тақозо этади:

- шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида қорамол ва чорвачилик маҳсулотлари етиширадиган фуқароларни меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш;

- ҳомийлар томонидан эҳтиёжманд оиласарга қорамоллар берилишини таъминлаш;

- чорвачилик ишлаб чиқариш қўрсаткичлари ўсишини таъминлаш;

- микрокредитларни ўз вақтида ва керакли микдорда ажратилишини назорат қилиш;

- зооветеринария шахобчаларини ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини таъминлаш;

- сунъий уруғлантириш шахобчаларини ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини таъминлаш;

- қорамолларни сўйиш учун күшхоналар ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини таъминлаш;

- зотли қорамолларни аукцион орқали сотилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- омухта ем сотиш шахобчаларини кўпайтириш.²⁵

Дастур доирасида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари учун қорамолларни сотиб олиш учун ажратилаётган кредитлар ҳолатини кўйидаги жадвалдан кўриш мумкин (10-жадвал).

Дастур ва
мақсадларимизнинг
бош мақсади –
халқимиз учун
муносиб турмуш
шароити яратишдан
иборатдир.

И.Каримов
(маъруздан)

²⁵ «Туман ва шахар хокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириши, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъзуза материаллари.

10-жадвал

**Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари учун
корамолларни сотиб олиш учун ажратилётган кредитлар ҳолати
(1 декабрь 2006 йил ҳолатига)**

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан:	
		“Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамгармаси”	Тижорат банклари
Дастур ва қўшимча топширик бўйича 2006 йилда, млн. сўм	24600,2	8000	16600,2
Ҳакикатда, млн. сўм (1 декабрь 2006 йил ҳолатига)	30990,0	9166,2	21823,9
Бажарилиши, фоиз хисобида	126,0	114,6	131,5
Кредит олиш учун ариза берган оиласлар сони	44652	17343	27309
Кредит олган оиласлар сони	41998	15386	26612
Кредит билан таъминланиш даражаси, фоиз	94,1	88,7	97,4

Манба: «Туман ва шаҳар ҳокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъруза материаллари.

Маърузада бугунги кунда чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, наслчиликни тубдан яхшилаш, ветеринария ва зоотехника хизматининг замонавий тармоғини ташкил этиш, ем-ҳашак, аввало, омухта озука билан таъминлаш каби муаммолар ҳамон долзарбилигича қолаётганлиги таққид остига олинади. Дарҳақиқат, зотли молларни аукцион орқали сотиш, омухта ем сотиш пунктларини ташкил этиш каби дастурий вазифалар мўлжалдагидан зиёд бажарилаётган бўлсада, уларнинг амалдаги микдорлари ҳали аҳамиятсиз даражада эканлигини кўриш мумкин (11-жадвал).

11-жадвал

**2006 йилда зотли молларни аукцион
орқали сотиш, омухта ем сотиш пунктларини
ташкил этиш топширикларининг бажарилиши**

Кўрсаткичлар	Дастур ва қўшимча топширик бўйича	Ҳакикатда, млн. сўм (1 декабрь 2006 йил ҳолатига)	Бажарилиши , фоиз хисобида
Зотли молларни шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари учун аукцион орқали сотиш, бош	16 250	16 926	104,2
«Ўздонмаҳсулот» ДАҚ корхоналари томонидан ташкил этилган омухта ем сотиш пунктларининг ташкил этилиш	110	374	340,0

Манба: «Туман ва шаҳар ҳокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъруза материаллари.

Шу ўринда, мазкур дастурнинг бажарилишида йўл қўйилаётган асосий камчиликларни кўрсатиб ўтиш максадга мувофиқдир:

- ташкил қилинган күшхона ва сўйиш шаҳобчалари керакли асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмаганинг;

- ахолига наслли молларни аукцион орқали сотиш талаб даражасида эмаслиги;

- ахолига корамол сотиб олиш учун “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси” хисобидан кредит ажратишнинг сустлиги;

- кам таъминланган оилаларга нодавлат жамғарма маблаглари хисобидан дастурда белгиланган белуп ажратмалар суст амалга оширилаётганлиги;

- сунъий уруғлантириш пунктларининг жиҳозланиши талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.²⁶

Маърузада иктисадиётимиз таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмиз лозимлиги таъкидланади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизи яратилмоқда, унда иктисадиётда банд бўлган меҳнатга лаёкатли аҳолининг карийб 58 фоизи фаолият юритмоқда.

Шунингдек, Президентимиз томонидан 2006 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган ишлар қайд этиб ўтилди:

- маший хизматлар 15 фоизга ошди;

- таълим хизматлари, болалар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш 30 фоизга кўпайди;

- молиявий хизматлар 2,5 баравар ортди;

- телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш шаҳобчалари ва бошқа соҳаларда жадал ўсиш суръатлари кузатилди;

- мамлакатимизнинг 220 та чекка ва олис аҳоли пунктларини телерадио тўлкинлари билан камраб олинди;

- универсал илмий кутубхоналар негизида ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди.

Мамлакатимизда 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади – хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иктисадиётдаги улушкини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдиришдан иборат.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантирининг асосий йўналишлари сифатида куйидагиларни белгилаш мумкин:

²⁶ «Туман ва шаҳар хокимларининг давлат максадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифаларини бўйича маъруза материаллари.

- соҳаларда тадбиркорларнинг фаоллигини кучайтириш учун қуладай шартшароит яратиш;
- соҳаларнинг ЯИМдаги улушини 2010 йилга келиб 49 фоизга етказиш;
- хизматлар соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2010 йилга қадар 2 мартаға ошириш;
- қишлоқ аҳолисига кўрсагиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;
- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- хизматлар экспорти ҳажмини ошириш;
- хизматлар ва сервис соҳаси учун юкори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш борасида 2006 йилда ҳам салмокли ишлар бажарилиб, бир қатор муҳим натижалар кўлга киритилди (18-илова).

Шунга қарамай, маърузада

**Биз иқтисодиётимизда
хизмат кўрсатиш
соҳасини жадал ривож-
лантиришга алоҳида
этибор қаратишимиз
лозим.**

**И.Каримов
(маърузадан)**

республикамида хизмат кўрсатиш соҳасининг сифати ва савиёси бугунги кун талабларига жавоб бермайди, деб таъкидланди. Хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган талабнинг изчил ўсиб бориши билан бу соҳа нафакат аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, энг зарур замонавий хизматлар кўрсатиш, балки одамларнинг, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг бандлик муммомларини ҳал қилишда муҳим роль йўнаши керак²⁷.

Шундан келиб чиккан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2007 йилда 42-43 фоизга етказиш зарурлиги белгилаб берилиди.

Маъруза давомида коммуникация тизимлари – темир йўл ва автотранспорт инфратузилмаси, электр, газ ва сув тармоқларини ривожлантиришнинг иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлардаги ўрни катта эканлиги, шунга кўра мазкур соҳалар тараққиётiga етарлича эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда рўй берётган салбий холатлар очиб берилиб, улар бўйича танқидий фикрлар билдирилди. Бундай ҳолатларни бартараф этишнинг муҳим чора-тадбирларидан бири сифатида ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун эса куйидаги имтиёзларни белгилаш мақсаддага мувофиқлиги қайд этилди:

²⁷ Янгиланиш ва баркарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукураштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Ҳалк сўзи, 2007 йил 13 февраль.

- корхоналарнинг ўз маблаглари ва жалб қилинган маблаглар хисобидан йўналтираётган сармояларини уч йилга даромад (фойда) солигидан озод килиш;

- ўрнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни мулк солигидан озод килиш;

- ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган ва ягона солик тўловини тўлаётган микрофирмалар хамда кичик корхоналар учун 5 йил муддатга инвестицион солик имтиёзини жорий қилиш, яъни соликқа тортиш базасини янги сотиб олинган технологик ускуналар қийматига teng (бироқ, соликқа тортиш базасининг 25 фоизидан ошмаган) микдорда камайтириш.

Президентимиз хусусий бизнес учун зарур бўлган барча кулай шароитларни яратиш, давлатнинг иктисадиётдаги иштирокини изчили камайтириб бориш масалаларини иктисадий ислохотларнинг иккинчи асосий устувор йўналиши сифатида кўрсатиб берди. Вазирлар Маҳкамаси қарорида бу устувор йўналишдан келиб чикувчи асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича аник чора-тадбирлар тизими белгилаб берилди (4-чизма).

Ўтган йилда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик хукуқини ҳимоя қилишга доир конуничиликни мустаҳкамланнга оид ҳамда амалий чоралар кўрилди. Жумладан:

- Суд қарорлари ижроси департаменти фаолияти тизимини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланди;

- мазкур тизимнинг кадрлар таркиби деярли тўлиқ янгиланди;

- суд ижрочилари сони кўпайтирилди;

- уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тадбирлари белгиланди;

- кичик бизнес субъектларини икки кун ичida хабардор килган ҳолда рўйхатга олиш тизими жорий қилинди.

Шунга қарамай, ҳали бу борада жиддий камчилик ва муаммолар ҳам борлиги кўзга ташланмоқда. Масалан:

- Суд қарорлари ижроси департаменти фаолиятининг самарасизлиги;

- суд қарорлари ижросини таъминлаш чораларининг натижасиз қолаётганилиги;

- тадбиркорлик билан шуғулланиш учун турли лицензия ва рұхсатномалар бериш тажрибасининг давом этаётганилиги;

- бизнесни ёпиш ва тугатишни расмийлаштириш масаласининг ҳал этилмаганилиги ва тартибга солинмаганилиги ва ҳоказо.

Шунингдек, мазкур устувор йўналиши амалга ошириш учун энг аввало корхоналарни хусусийлаштириш борасидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш талаб этилиши таъкидланди.

Маълумки, мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг юкори натижаларга эришишида хукумат томонидан бу жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб олиниши аҳамиятли таъсир кўрсатган эди. Жумладан: мазкур жараёнларнинг асосий мақсад ва вазифаларини аник белгилаб олиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий тамоилиларини ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиш; мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий-иктисодий, демографик,

маданий-рухий хусусиятларини эътиборга олиш; хусусийлаштириш жараёнларини маҳсус меъёрий-хукуқий асослар билан таъминлаш; ҳар бир алоҳида ҳолат учун хусусийлаштиришнинг энг мақбул усулларини танлаб олиш; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш ва ҳоказо.

4-чизма

Иктисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалга оширишга масъул идоралар ва²⁸ кутилаётган натижалар²⁹

2-устувор йўналиши:

Бизнес, энг аввало, хусусий бизнес учун кулагай шароитлар яратиш ва давлатнинг иктисодиётдаги иштирокини изчили пасайтириб бориш

Асосий вазифалар	Ижро учун маъсъул идоралар	Кутилаётган натижалар
Йирик, стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлат активлари ва акциялари пакетларини хорижий инвесторларга сотиш рўйхатини кенгайтириш орқали Хусусийлаштириш дастурини такомиллаштириш	Республика тендер комиссияси, Давлат мулки кўмитаси, Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси	Хорижий инвесторлар томонидан хусусийлаштирилган корхоналарни модернизациялаш, техник жиҳатдан кайта жиҳозлаш, замонавий менежментни жорий этиш мажбуриятларининг бажарилиши натижасида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажми ўсади
Иктисодий начор акциядорлик жамиятларига нисбатан банкротлик механизми фойдалаштириш хамда хусусий инвесторларга сотиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	Республика тендер комиссияси, Давлат мулки кўмитаси, Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси	Корпоратив бошкарув тизимидағи муаммолар, жумладан, Кузатув кенгашилари, тафтиш комиссияларининг фаoliyat-sizligi бартараф этилиб, мазкур корхоналар ишлаб чиқариш самардорлигини оширувчи, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулкдор кўлига ўтади
Трансмиллий корпорациялар билан кооперация алоқаларини кучайтириш бўйича таклифларни ишлаб нийсан	Вазирлар Маҳкамаси, Иктисодиёт вазирлиги, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси	Замонавий менежмент, энг илғор технологиялардан фойдаланиш, маҳсулотларимизни сотиш учун жаҳон бозорларига чиқиши имкони яратилиши

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маъруzasи хамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг карори асосида тайёрланди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатларнинг тўлиқ эътиборга олиниши хусусийлаштиришда аҳамиятли кўрсаткичларга эришилишини таъминлади (12-жадвал).

12-жадвал

**Давлат корхоналарини
хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Хусусийлаштирилган корхоналар сони	374	1449	1912	1519	1228	980
Хусусийлаштирилган мулклар негизида ташкил этилган нодавлат мулк шаклидаги корхоналари сони	372	1238	1800	1452	1228	980
Акционерлик жамиятлари	152	227	223	75	28	3
Масъулияти чекланган жамият	117	184	325	396	162	75
Хусусий корхоналар	103	827	1252	981	1038	902
Хусусийлаштиришдан тушган маблаглар (млрд. сўм)	14,3	23,2	43,6	56,1	78,4	80,5

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Бирок бугунги кунда мазкур жараёнларни янада жадаллаштириш объектив заруратга айланмоқда. Айниқса, йирик корхоналарни, биринчи навбатда, катта миқдордаги инвестициялар ва замонавий технологияларга муҳтож корхоналарни хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қартиш даркор. Хусусийлаштириш натижасида мазкур корхоналар маҳаллий, хорижий инвестицияларга ва замонавий ишлаб чиқариш технологияси ва техникаларга эта бўлиб, самарали фаолият олиб боради.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бизнинг асосий устивор йўналишимиз бундан бўён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришидан иборат бўлиб қолаверади.

И.Каримов (маъруздан)

Кичик бизнес субъектларининг монопол компаниялар билан рақебатлашувдаги заиф жиҳатларини ҳисобга олиб, барча соҳада соғлом рақобат мухити яратилиши лозим. Бунинг учун эса мамлакатимиз бозорида монопол мавқени эгаллаб турган, устав жамғармаларида ҳали ҳам давлат акциялар пакети улуши юқори миқдорда қолаётган компанияларнинг обьектларини хусусийлаштириш масалалари бўйича ёндашувларни жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Президентимиз бу борадаги асосий масала сифатида хусусийлаштириладиган обьектларга эгалик қилишга даъвогарларнинг аввало обьектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига оладиган мажбуриятлари эканлигини кўрсатиб берди.

Мазкур вазифаларга Президентимиз томонидан мунтазам равища жиддий эътибор қаратилиб, уларнинг аҳамияти бир қатор маърузаларда кўрсатиб ўтилган эди. Жумладан, мамлакатимизда қўмматли қоғозлар бозорини, айниқса, иккиласми чоғозларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган самарали стратегияни ишлаб чиқиши, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошкоралик тамойилларини кескин кучайтириш талаб этилиши; хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишда тизимли ёндашувни ишлаб чиқиши, янги мулкдорнинг ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятини бажариш учун уларнинг иқтисодий маъсулитини ошириш зарурлиги ва бошқалар.

Юкоридаги вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2006 йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида маъсул вазирлик ва муассасалар иштирокида 2006-2008 йилларга мўлжалланган янги хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифасини кўйган ҳамда хусусийлаштириш жараённида ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб масалаларга эътибор қаратган эди.²⁹

Биринчидан, ер участкаларининг нархи қатъий бозор ёндашувларидан келиб чиқиб белгиланмоғи лозим. Бугунги кунда кўпгина хусусийлаштирилган объектлар, мол-мулкининг нархлари атиги бир неча миллион сўмни ташкил этгани холда, ўнлаб гектар ер майдонларини эгаллаб олган. Бундай ер участкаларининг катта қисми янги мулкдорлар томонидан умуман фойдаланилмаяти, чунки бу ерлар уларга муддатсиз фойдаланиш учун бепул берилган.

Иккинчидан, якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларини белгиланган меъёрлар доирасида ажратиш ҳисобига хусусийлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш ва чукурлаштиришга эришиш мумкин. Бу хусусий ва оиласиб бизнесни, касаначиликни янада кенгайтиришнинг гарови, ипотеканинг бошқа шаклларини ривожлантиришнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, хусусий бизнес кафолатларини мустаҳкамлаш, унинг ривожи учун қулаг мухит яратиш мақсадида давлат бошқаруви идоралари ва бозор институтларида маъмурӣ процедураларини бажариш билан боғлик, ҳали бери анча юқори бўлиб келаётган бизнес харажатларини камайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши лозим. Тадбиркорлик субъектлари учун жарима санкцияларини камайтиришни кўзда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказиш зарур бўлади.

Тўртингчидан, бизнес учун қулаг мухитни шакллантиришнинг фоят мухим вазифаларидан бири суд тизимини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг қонуний хукукларини ҳимоя килиш ва уларга янада кўпроқ эркинлик беришга қаратилган суд ислоҳотларини чукурлаштириш керак. Кичик

²⁹ Каримов И. “Эришилган ютукларни мустаҳкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат килишимиз лозим”. Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

бизнесни ривожлантириш ва фермер хўжаликларини шакллантиришни рагбатлантириш бўйича қабул қилинган ҳукумат карорларининг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор бериш ва бу масалада катъий назорат ўрнатиш керак бўлади.³⁰

Албаттга жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак. Лекин, шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгаларига, уларнинг ўз ҳалол меҳнати, иешона тери билан топадиган даромади ва бойлигига ёндашиша эски замондан қолган иллат ва асоратлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Лўйда қилиб айтганда, уларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш жамиятимизда тобора чукур карор топишини хоҳлардим.

И.Каримов (маърузадан)

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тарракқиёт йўлида маълум тўсиклар ва камчиликларни кузатиш мумкин. Кичик корхоналарлар ва якка тадбиркорларнинг аксаияти ўз фаолиятида хом-ашё ва материалларнинг кўплаб турлари, айниқса юқори ликвидли материалларга муҳтожлик сезмоқда, жойларда тадбиркорлар биржа ва аукцион савдоларда катнашишга, хом-ашё ва материалларни юқори ликвидли турларини сотиб олиш имконига эга эмас, сотилаётган товарлар рўйхати уларни конквиртимаслик ҳолатлари ҳам кўплаб учрайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишининг бозор механизмиларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг биржа ва аукцион савдоларида сотилаётган товарлар рўйхати анча кенгайди. Ушбу ресурслар қаторида нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлар прокати, минерал ўғит, пахта линти, ўсимлик мойи ва бошқалар сотилмокда.

Маърузада Президентимиз томонидан қуидаги муҳим масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди:

- хусусийлаштиришга нисбатан муносабат ва ёндашувларни ўзгартириш, иқтисодиётнинг етакчи тармокларига қарашли корхоналар акцияларини кимошли савдосига кўйиш чораларини амалга ошириш;

- давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин камайтириш максадида давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига тўла барҳам бериш;

- кооперация алоқаларини кучайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мақсадга мувоғик ҳолатларда, трансмиллий корпорациялар таркибига киришдан очик иқтисодиёт йўлида изчил ривожланишнинг муҳим омили сифатида фойдаланиш;

- бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, сугуртанинг замонавий шаклларини ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантириш.

³⁰ Қосимова М.С., Юсупов М.А., Ҷалалова И.А., Имомов Х.М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожлантириш, муаммоллар ва сўчимлар / Ўкув кўлланма.— Т.: ТДИУ, 2007, 17-18-б.

Президентимиз ўз маъруzasida 2007 йилда иқтисодиётни ривожлантиришнинг навбатдаги учинчи устувор йўналиши хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат эканлигини кўрсатиб берди (5-чизма).

Бу борада мамлакатимизда аҳамиятли даражадаги ютуқларга эришиб келинмоқда. Чунончи, яратилган кулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли 2006 йил холатига иқтисодиётнимизга жами 20 млрд. АҚШ долларидан зиёд микдордаги хорижий инвестиция жалб этилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми эса фақатгина 2000-2006 йиллар мобайнода 9,3 марта ошди ва 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда имтиёзли хорижий сармояларни жалб этиш – рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашнинг ўзига хос йўли эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлитетини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўгинга айланмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда ҳар йили Инвестиция дастури кабул қилинади ва унда энг муҳим инвестиция лойиҳалари ўз ифодасини топади. Жумладан, 2004-2006 йиллар мобайнода Давлат инвестиция дастури параметрларини 19-иловадаги жадвалдан кўриш мумкин.

2007 йил учун ҳам Инвестиция дастури тасдикланган бўлиб, унда реал иқтисодиётнинг энг муҳим тармоклари ва ижтимоий соҳада йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қиймати 3 млрд. 950 млн. АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция маблагларини ўзлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу дастур доирасида 1 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ микдорда хорижий инвестициялар жалб этилиши мўлжалланмоқда. Бу маблагнинг салкам 700 млн. долларини (карийб 68%) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Инвестиция дастурига 80 га яқин инвестиция лойиҳалари киритилган бўлиб, улардан энг йирикларини жадвалдан кўриш мумкин (13-жадвал).

2002-2007 йилларда хорижий сармояларни Давлат инвестицион дастурлари доирасида жалб этиш динамикасини 20-иловадаги диаграммадан кузатиш мумкин.

Маърузада инвестиция жараёнларини жадаллаштиришда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги – «Ўзинфионвест»нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг устав капитали 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланиб, 2007 йилнинг 1 январигача жамғарманинг устав капиталига 500 млн. доллар маблаг жалб этилгани таъкидланди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалга оширишга масъул идоралар ва кутилаётган натижалар³¹

3-устувор йўналиши: Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан кучайтириш		
Асосий вазифалар	Ижро учун масъул идоралар	Кутилаётган натижалар
«Кўкдумалок» конидаги ишларнинг ахволини ўрганиб, суюк углеводородлар қазиб олишини барқарорлаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш	Бош вазир ўринбосари, Молия вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллый холдинг компанияси	Табиий бойликлар манбалари, жумладан, «Кўкдумалок» конидаги ишларни ташкил этиш бўйича муаммолар бартараф этилиб, суюк углеводородлар қазиб олиш барқарорлашиди
Углеводород хом ашё захираларини геологик килирул ишлари бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан катъий мониторинг ўтказиш	Бош вазир ўринбосари, Молия вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллый холдинг компанияси	Лойиҳаларнинг ўз вактида малаг оширилиши таъминланади, хорижий инвесторлар томонидан мажбуриятлар бузилишининг оддини олишини таъминлаш орқали соҳа фаолият оширилади
Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик хуқуқиарни химоя килиш бўйича янги конунчилик нормаларини ишлаб чиқиш	Бош вазир, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди	Бизнесни тутатилишининг тартибига солиниши, турили рухсатномалар ва лицензиялар беришнинг кескин кисқартирилиши натижасида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик хуқуклари химояси кучайди
Солик академияси ва Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини ташкил этишини яхшилаш бўйича аник чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш	Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси	Мазкур соҳалар бўйича тайёрлансаётган мутахассис-кадрларда юкори малака, билим, ўз бурчига масъулият ва садоқат, кенг дунёкараш ва бой маънавиятни шакллантириш имкони кенгаяди
Шахсий таркибга нисбатан талабчанликни ошириш ва улар ўртасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш	Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси	Шахсий таркиб ихтисослаштирилган ўкув юртларida ўқиган, юкори малакали, професионал жихатдан тайёр, ўз ишига содик ва масъулият - ли холимлаб билан тўллипилили

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоний-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига хамда Вазирлар Мажлисининин карори асосида тайёрланди.

2007 йил учун Инвестиция дастурига киритилган энг йирик лойихалар

№	Инвестиция лойихаси номи
1.	Хонжиза ва Учқулоч конларида полиметалл рудалари казиб олиш
2.	Устюрт минтақаси ва Орол дегизизда нефть ва газ бўйича геология-кидирув ишларини амалга ошириш
3.	Углеводород хомашёсининг истиқболли конларини ўзлаштиришни давом эттириш
4.	«Тошкент-Ангрен» темир йўл линиясини электрлаштириш
5.	Енгил саноат корхоналарини (16 та) техник қайта жихозлаш
6.	Сурғил конидан олинадиган хомашё негизида полистилен ва полипропилен ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхона ташкил этиш
7.	Уяли алоқа тармолигини кенгайтиришга каратилган лойихаларни рӯёбга чиқариш
8.	Қоракалпогистон Республикаси, Хоразм вилояти, Бухоро, Самарканд, Гулистон, Жizzах ва Карши шаҳарларидаги ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини такомиллаштириш

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносиди ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Мажлисидаги маъруzasи.

Жамгарманинг асосий вазифаси сифатида маблағларни жамлаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация килиш учун муҳим лойихаларни молиялаштириш билан бир қаторда хорижий инвесторлар – чет эл компаниялари, банклари, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда ўзаро тенг шартларда инвестиция лойихаларини молиялаштиришдан иборатлиги уқтирилди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Таркибий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёнлари ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир мавжуд?
2. Қулай бизнес шароитлари таркибиغا нималар киради ва мамлакатимизда уларни етарли даражада яратишда қандай муаммолар мавжуд?
3. Давлатнинг иктиносидётдаги иштирокини камайтириб бориш қандай ўйлар билан амалга оширилади?
4. Ҳусусийлаштиришга нисбатан муносабат ва ёндашувларни ўзгартериш нима учун зарур?
5. Бозор иктиносидётни институтлари таркибиغا қандай тузилмалар киради ва уларни таркиб топтиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари нималарда намоён бўлади?
6. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб килиш ва улардан янада самарали фойдаланиш бўйича қандай имкониятлар мавжуд?
7. Инвестиция муҳитини яхшилаш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак?
8. Мамлакатимизда Тикланиш ва таракқиёт жамгармасининг ташкил этилишидан мақсад нима?

4-БОБ: АХОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ ҲАРАКАТНИНГ МУҲИМ ЙЎЛЛАРИ

Режа:

1. Иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлаш.
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини хар томонлама қўллаб-кувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш.
3. Банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш.
4. Коммунал хўжалик соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: аҳолининг турмуш даражаси, реал иш ҳақи, монетар сиёsat, аҳолининг истеъмол талаби, бозор конъюнктураси, мулкдорлар ўрта синфи, кичик бизнес таркиби, унинг техник ва технологик тузилмаси, банк-молия тизими, банкларнинг устав капитали, бўш пул маблағлари, фонд бозорлари, нақд пул маблағларининг банқдан ташқари айланиши, коммунал хўжалик соҳаси, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича Дастур ва режалар.

Мавзуга оид кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда реал иш ҳақининг ошишини таъминлаш муаммолари.
2. Кичик бизнесни ривожлантириш орқали ҳал этилиши кўзда тутилувчи ўзаро боғлиқ вазифалар – ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг даромадларини ошириш; ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот турларини янгилаш, бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига мослаша олиш; мулкдорлар ўрта синfinи шакллантиришга эришиш йўллари.
3. Банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги муҳим вазифалар – банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, миллий ва хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада кисқартиришни таъминлаш масалалари.
4. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг долзарб муаммолари.

Мавзу бўйича дарснинг мақсади: талabalарга ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш асосий вазифамиз эканлигини, бунинг учун аҳоли

реал даромадларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятни кучайтириш, банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш, уй-жой ва коммунал хўжалик соҳасини ривожлантириш зарурлигини тушунитириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари тўғрисида билимлар ҳосил килиш.

Талабаларнинг идентив ўқув мақсадлари:

1. Реал иш ҳақининг ошиши мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш суръатларига, мамлакат молиявий аҳволига, олиб борилаётган монетар сиёсатнинг ҳолатига боғликлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиш.

2. Кичик бизнесни ривожлантириш ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, ахолини иш билан таъминлаш, унинг даромадларини ошириш; ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот турларини янгилаш, бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига мослаша олиш; мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш имкониятларини яратувчи муҳим бўғин эканлигини англаш.

3. Банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги муҳим вазифалар – банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, миллий ва хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш, нақд пул маблагларининг банкдан ташкири айланишини янада кисқартириш тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.

4. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириши халқимиз учун муносаб турмуш шароити яратишнинг муҳим йўналиши эканлигини изоҳлай олиш.

Мавзунинг баёни

Иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришини таъминлаш Президентимиз томонидан 2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиласидаги тўртиячи устувор йўналиш сифатида эътироф этилди. Зеро, бу вазифанинг ечими мамлакатимиз тараккиётининг хозирги босқичида ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал килувчи омили, деб баҳоланди (б-чизма).

Кишлоқ жойларда ихчам, замонавий технологиялар билан жихозланган корхоналар қуриш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, касачаликнинг турли шакларини ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.


И.Каримов (маъруздан)

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлигини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириш имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақидан ташкири чакана нарҳ динамикаси, истеъмол бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутади.

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлашишнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалга оширишга масъул идоралар ва кутилаётган натижалар³²

4-устувор йўналиш:

Мехнатга ҳақ тўлашини ва ахоли турмуши сифатини изчил оширишини таъминлаш



Ахоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулқдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Мамлакатимиз ахолисининг пул даромадлари ва харажатлари таркиби ва динамикасини куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (14-жадвал). Жадвалдан кўринадики, Республикаизда 2006 йилда ахолининг номинал пул даромадлари 2005 йилга нисбатан 33,2 фоизга ўсиб, 12954,9 млрд. сўмни ташкил этди. Ахоли реал даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб макроиктисодий

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлашишнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган маърузаси хамда Вазирлар Мажхамаси мажлисининг карори асосида тайёрланди.

шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайғанлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва ахолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайғанлиги ҳисобланади.

14-жадвал

Ахолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари

Кўрсаткичлар	2005 йил		2006 йил		Ўсиш суръати, %
	млрд. сўм	солиш. салм.%	млрд. сўм	солиш. салм.%	
Пул даромадлари	9728,6	100,0	12954,9	100,0	133,2
Мехнатта ҳақ тўлаш	2700,2	27,8	3812,7	29,4	141,2
Корхоналардан олинадиган даромадлар, иш ҳакидан ташқари	28,1	0,3	44,4	0,3	158,0
Тадбиркорлик даромадлари, кишилек хўжалик маҳсулотларини сотиш ва мулқдан олинадиган даромадларни кўшган ҳолда	5492,5	56,4	7135,8	55,1	129,9
Пенсия, нафака, стипендия ва ижтимоий тўловлар	1507,8	15,5	1962,0	15,2	130,1
Пул сарфлари ва омонатлар	9533,0	100,0	12680,7	100,0	133,0
Истеъмол сарфлари	7107,7	74,6	9538,9	75,2	134,2
Шу жумладан:					
товарлар ҳариди	5479,2	57,5	7358,3	58,0	134,3
хизматлар учун тўловлар	1628,5	17,1	2180,6	17,2	133,9
Мажбурий тўлов ва бадаллар	746,9	7,8	895,8	7,1	119,9
Омонатларнинг ўсиши, валюта сотиб олишини кўшган ҳолда ва бошқалар	1678,4	17,6	2246,0	17,7	133,8
Даромадларнинг ҳаражатлардан ортиши	195,6	x	274,2	x	x

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ахолининг турмуш даражасини баҳолашда ахоли жон бошига пул даромадлари ва ҳаражатларини ҳам кўриб чиқиши мақсадга мувоғиқ бўлади (15-жадвал).

15-жадвал

Ахоли жон бошига пул даромадлари ва ҳаражатлари, минг сўм

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	Ўзгариши, %
Истеъмол сарфлари	271,6	360,2	132,6
Мажбурий тўлов ва ихтиёрий бадаллар	28,5	33,8	118,6
Омонатларнинг ўсиши, валюта сотиб олишини кўшган ҳолда ва бошқалар	64,1	84,8	132,3
Жами пул сарфлари ва омонатлар	364,3	478,8	131,4
Жами пул даромадлари	371,8	489,1	131,5
Даромадларнинг ҳаражатлардан ортиши	7,5	10,4	138,7

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларининг асосий улушини иш ҳақи ташкил қиласди. Даромаднинг бу тури истикбонда ҳам пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини саклаб қолади.

Куйида мамлакатимиз турли тармоқларидағи ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдорлари келтирилгандар (16-жадвал).

16-жадвал

Ишчиларнинг ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи, сўм

Тармоқлар	2005 йил		2006 йил	
	январь	декабрь	январь	декабрь*
Республика бўйича жами	63120,0	108609,9	93629,2	183940,1
Саноат	115609,2	175119,1	157424,2	301368,2
Курилиш	91421,2	188808,3	137954,6	384590,9
Транспорт	91348,2	177513,0	140816,2	285921,8
Алока	82082,5	189291,2	104831,5	293775,3
Савдо, умумий овқатланиш, сотиш, тайёрлар	47806,6	92611,4	69761,0	189818,8
Софлини сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	60158,7	109256,7	91486,4	162228,3
Халқ таълими	41847,5	69060,9	65094,1	126968,6
Маданият ва санъат	38541,4	77412,9	56432,9	111156,4
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	53383,5	126756,6	122227,9	209768,2
Молия, кредит ва сугурта	117741,2	279798,8	169369,3	285225,3
Бошқалар	53742,0	101196,4	82712,6	138451,3

*Изоҳ: баҳолаш кўрсаткичлари.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Инсон ҳаёти учун мухим бўлган соҳалар – ҳаёт дарражасини кўтариш соғлини сақлаш, таълим тарбия, одамларнинг кайфиятига таъсир этадиган ижтимоий масалаларни очишга алоҳида ахамият берин қерак.

И.Каримов (маърузадан)

Президентимиз томонидан мамлакатимиздаги реал иш ҳақини ошириш масалалари илгари сурилиб, реал иш ҳақининг ошиши – бу иқтисодиётнинг қандай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланаётганини, мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини яккол акс эттирадиган ўзига хос кўзгу ва кўрсаткичdir, деб таърифланади.

Статистик маълумотлар ва социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда 2006 йилнинг охирида ўртача реал ойлик иш ҳақи 185 минг сўмни ёки салкам 150 АҚШ долларини ташкил этган³³.

³³ Йигиланиш ва барқарор тарраккӣ йўлидан янада изчилих ҳаракат килиш, ҳалкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш -- асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантариш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳқамаси мажлисидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи. 2007 йил 13 февраль.

Иш ҳақининг муттасил ошиб бориши аҳоли истеъмол талабининг ўсишида кучли омил бўлишини, бу эса иктиносидётимизда ишлаб чикариш ҳажмларининг келажакда янада ортишини рагбатлантиришга хизмат қилишини назарда тутиб, Президентимиз иктиносидий имкониятларни эътиборга олган ҳолда, 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида 1/3 миқдорда, 2010 йилга бориб эса 2,5 баробар ошириш вазифасини кўйди.

Устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган йўналишлардан бешинчиси – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади. Бу борада ҳам Вазирлар Маҳкамаси қарорида бир қатор аник чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари қабул қилинди (7-чизма).

Маълумки, Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали куйидаги учта муҳим масаланинг ҳал этилиши кўзда тутилишини белгилаб берган эди:

- 1) яқин беш-үн йил ичida ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш;
- 2) бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши;
- 3) мамлакатимиздаги сийсий, иктиносидий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш.³⁴

Мамлакатимизда кичик тадбиркорликнинг ривожланишига мазкур соҳани турли даражаларда қўллаб-кувватлашнинг самарали тизими катта таъсир кўрсатди. Давлат томонидан унинг меъёрий-хуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди, кичик корхоналарни молия-кредит ва инвестиция жиҳатидан қўллаб-кувватлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Кичик тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бўйича давлат ва минтақавий дастурлари ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ҳам ҳаётга изчил равишда татбиқ этилмоқда. Бу соҳада минтақалараро ва ҳалқаро алоқалар йўлга кўйилмоқда, ҳукуматлараро ва ҳалқаро шартномалар тасдиқланмоқда, тадбиркорларнини жамоатчилик уюшмалари фаолияти жонлантирилмоқда, ахборот таъминоти тизими вужудга келтирилмоқда.


Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида Савдо-саноат палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, «Мадад», «Кафолат», «Ўзагросуғурта» каби қатор сугурта компаниялари, Республика бизнес-инкубатори, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси каби бюджетдан ташқари жамғармаларнинг роли жуда катта бўлди.

³⁴ Каримов И.А. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иктиносид ишҳоҳотларни чукурлаштиришининг асосий йўналишларининг багишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, «Ишонч», 2004 йил 10 феврал, 22-сон.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалга оширишга масъул идоралар ва кутилаётган натижалар³⁵

5-устувор йўналиш:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, ушбу асоода аҳолини иш билан этиш ва фаровонликгини ошириш муаммоларини ҳал этиш



³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган маъруzasи ҳамда Вазирлар Мажлисининг қарори асосида тайёрланди.

Фаолият учун яратилган кулай шарт-шароитлар натижасида мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари ривожланиб, уларнинг сони ўсиб бормоқда (17-жадвал).

17-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши
кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони, минг бирлик	118,0	142,9	170,8	208,7	255,9	277,4	308,7
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони, минг киши	4162,5	4462,7	4842,5	4911,8	5436,7	6038,3	6679,0
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, фоиз		50,0	53,0	55,0	56,1	57,2	65,5
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ЯИМдаги солиштирма саломги, фоизда - жами	29,1	31,0	33,8	34,6	35,5	35,6	38,2
шу жумладан:							
кичик корхона ва микрофирмалар, фоиз	12,6	13,1	14,8	15,7	16,4	18,6	21,5
якка тадбиркорлар, фоиз	16,5	17,9	19,0	18,9	19,1	17,0	16,7
Кичик тадбиркорликда янгидан яратилган иш ўринлари сони, минг бирлик				369,3	375,4	392,6	434,2
Ҳар 1000 кишига тўғри келувчи фаолият кўрсатаётган КТ субъектлари сони, бирлик			7,1	8,6		9,2	10,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, йиллар давомида кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада ошиб бормоқда. Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 2006 йилнинг бошига келиб 1999 йилдагига нисбатан 2,6 баравар ўсан. Агар бу кўрсаткични республикамиз мустақиллигининг дастлабки палласи, яъни 1992 йилга нисбатан таққосланса, у ҳолда мазкур ўсиш деярли 19 бараварни ташкил этади.

2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони кариб 350 мингтага етди ёки 2000 йилдагига нисбатан 2,3 марта кўпайди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда.

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд

Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун бўлмоғи лозим.

И.Каримов
(маърузадан)

бўлганлар сони ҳам жадал суръатларда кўпайиб бормоқда. 2006 йил бошида ушбу секторда банд бўлганлар сони 1999 йилга нисбатан 1,6 баравар усган бўлса, 1992 йилга нисбатан 27,9 баравар ошган. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг умумий бандлар сонидаги улуши ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, бу улуш 2000 йилда 50 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилнинг бошига келиб 65,5 фоизга етган.

Юкорида таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ҳал этилиши лозим бўлган мухим масала – бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишдир. Бу борада Президентимиз томонидан қилинган маърузада 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш вазифаси белгилаб берилди. Кейинги йиллар давомида қўлга киритилаётган натижалар ҳам мазкур вазифанинг яқин даврлар ичida реал воқеликка айланиши мумкинлигини кўрсатмоқда (3-диаграмма).

3-диаграмма
Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улушки



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Диаграммадан кўринадики, мамлакатимиздаги кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улушки йиллар давомида баркарор суръатларда ўсиб бормоқда. Агар олдинги йилларда бундай ўсишнинг асоси сифатида кичик тадбиркорликни рагбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг камровли чора-тадбирлар, хусусан, эркин фаолият учун кафолатларнинг таъминланганлиги, уларни давлат томонидан рўйхатта олиш тартибининг ихчамлаштирилиши, кредит маблагларидан фойдаланиш доирасининг кенгайиши, қулай макроиктисодий мухитнинг шаклланганлиги, миллий валюта курсининг баркарорлиги каби омиллар майдонга тушган бўлса, 2005 йилдаги ўшиш асосан биржা савдоларида товар-моддий ресурсларни харид килиш ва таъминот шароитларининг яхшиланиши, ялпи тўлов ўрнига ягона солиқ тўловининг киритилиши

натижасида тежалган молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга ўйналирилиши хисобига эришилди.

Ўз ўрнида кичик бизнес томонидан яратилаётган ЯИМ таркибида кичик корхона ва микрофирмалар улушининг сезиларли даражада ортиб бораётганилиги дикқатга сазовордир. Агар 2000 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган ЯИМнинг атиги 42,3 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар томонидан яратилган бўлса, 2005 йилга келиб мазкур кўрсаткич 56,3 фоизни ташкил этган. Бу эса кичик бизнес субъектларининг факатгина сон жиҳатидан кўпайиб бормай, балки таркибий тузилиши жиҳатидан такомиллашиб бораётганилигидан дарак беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ҳал этиладиган муҳим масалалардан яна бири – аҳоли бандлиги даражасини ошириш хисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблагларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият ҳам кенгайиб бормокда: агар 2002 йилда кичик тадбиркорлик томонидан 369,3 мингта янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2005 йилда 434,2 мингта, 2006 йилда 290 мингта янги иш ўринлари яратилган. Умуман олганда, бугунги кунда республикамизда янги яратилаётган иш ўринларининг ўрта хисобда 85 фоизи айнан кичик бизнес хиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлашда жамият аъзоларининг турли кўринишдаги иктисодий манфаатларини амалга оширишнинг реал механизmlарини шакллантиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, собиқ режали иктисодиёт шароитида мулкий муносабатларга ўта расмиятчилик билан ёндашув, давлат мулки монополиясининг ҳукмронлиги мулкчилик муносабатларининг иктисодий манфаатларни рӯёбга чиқаришнинг муҳим воситаси сифатидаги таъсирини деярли йўққа чиқарган эди. Шунга кўра, мамлакатимизда амалга оширилган иктисодий ислоҳотларнинг марказий йўналиши кўп укладли иктисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди. Хусусий мулк шаклиниң конуний эътироф этилиши, тадбиркорлик фаолияти ҳукукий кафолатларининг таъминланиши жамият аъзоларининг узок йиллар давомида тақиқланиб келган эркин ва мустакил ҳўжалик фаолияти юритишига интилиш кўринишидаги иктисодий манфаатларининг амалга оширилиши учун кенг йўл очиб берди.

Айнқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожлантирилиши мамлакатда кичик ва ўрта мулкдорлар синфининг шаклланнишига, иктисодиёт нодавлат секторининг кенгайишига асос яратди. Бугунги кунда рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик корхоналарининг умумий сонида нодавлат мулки корхоналарининг улуси 98,6 фоизга етди (4-диаграмма).

Маълумотлардан кўринадики, мамлакатимиздаги кичик тадбиркорлик корхоналарининг умумий сонида фермер ва дехқон ҳўжаликлари энг катта салмоқни (56,2%) ташкил этмоқда.

4-диаграмма

Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик корхоналарининг подавлат мулки шаклларн жиҳатидан таркиби (2005 йил)

Кичик тадбиркорлик субъектларининг подавлат мулки
шакллари бўйича таркиби



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитаси маълумотлари.

Агар 2001 йилда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони 55445 бирликдан иборат бўлса, 2005 йилга келиб 125668 бирликка етган ёки деярли 2,3 баравар ошган. Фермер хўжаликлари сонининг 2000-2005 йиллардаги ўртача йиллик ўсиши 25,3 фоизни ташкил этган. Бундай жадал ўйниш асосан кейинги йилларда зарар кўриб ишловчи ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини қайта тузиш асосида фермер хўжаликларига айлантириш орқали изоҳланади.


Агар соҳада кичик тадбиркорликнинг кенг ривожлантирилиши йиллар давомида вужудга келган муаммоларни баратараф этишга имкон яратди. Ўтган қиска давр ичida фермер ва дехқон хўжаликлари кишлок хўжалиги ялпи маҳсулотининг деярли 85 фоизини ишлаб чиқариш имконига эга бўлди (5-диаграмма).

Шунингдек, иктисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорликнинг улуши пулли хизмат кўрсатиш ва чакана товар айрбошлиш соҳаларида ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Республикамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг иктисодий кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари даражасига яқинлашиб бормоқда.

5-диаграмма

Иқтисодиёт тармоклари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорликнинг улуши



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ҳатто мазкур соҳанинг умумий бандликдаги улуши жиҳатидан АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия сингари ривожланган мамлакатлардан юкорироқ даражага эга бўлди (18-жадвал).

18-жадвал

Жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари иқтисодиётида кичик ва ўрта корхоналарнинг улуши кўрсаткичлари, фоизда

Курсаткичлар	АҚШ	Кана-да	Япо-ния	Гер-ма-ния	Фран-ция	Ита-лия	Буюк Бри-та-ния	Хин-дис-тон	Ўзбе-кис-тон*
Кичик ва ўрта корхоналарнинг улуши, %:									
- ЯИМда	52	43	51,6	57	49,8	55	52	6,9	38,2
-умумий бандликда	50,1	47	69,5	69,3	56,6	71	55	4,5	65,5
-корхоналарнинг умумий сонига	97,6	99,8	99,2	99,3	97,6	99,2	99,1	97,6	88,9

* Маълумот 2005 йил якуни бўйича олинган.

Манба: Кичик корхоналар вакилларининг Бешинчи Бутунrossия конференцияси материаллари, 2004 йил март // www.gateway.uz.

Бироқ таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида улкан ютуқлар кўлга киритилаётганига қарамай, унинг ривожланиш имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаган жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг ҳар 1000 кишисига 10,3 бирлик кичик бизнес корхонаси тўғри келиб, бу кўрсаткич бўйича Россия ва Козогистон (бу мамлакатларда ҳар 1000 кишига 7 бирлик кичик бизнес

корхонаси тўғри келади), Украинадан (деярли 2 баравар) юкори ўрин эгаллаймиз. Бироқ Европа Иттифоқи давлатларида аҳолининг ҳар 1000 кишисига 37-46 бирлик кичик ва ўрта корхона тўғри келишини хисобга олсан, республикамида корхоналар сонининг жадал суръатлар билан ўсишига қарамай, ҳали уларнинг етарли дараҷасига эришилмаганини кўриш мумкин.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарнинг 1/7 кисмининг фаолият кўрсатмаётганилиги, ҳар йили ўртача 6-7% корхоналар фаолиятининг тутатилиб бораётганилиги бу борада ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кичик бизнес соҳасининг ривожланиши доимий равища муаммоли тарзда кечиши табиий. Чунки, биринчидан, иқтисодиётнинг асосий муаммоси – ресурсларнинг чекланганилиги иқтисодиётнинг мазкур соҳасини ҳам йирик бизнесдан «ўз улушини тортиб олиш»га мажбур этади. Бунга эса, қаҷон кичик бизнес ўз ишлаб чиқаришининг нисбатан самарали эканлигини исботлаган тақдирдагина эриша олади. Иккинчидан, кичик бизнеснинг ривожланишидаги зиддиятли, муаммоли ҳолатлар унинг иқтисодий табиатидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, иқтисодий салоҳият нуктаи назаридан кичик бизнеснинг имкониятлари нисбатан чекланган. У йирик корхоналар сингари ўзининг кучли моддий-техника базасига, барқарор ресурслар манбаига, йиллар давомида шаклланган сотиш бозорларига эга эмас. Бундан ташқари, бозор конъюнктурасининг озигина ўзгариши ҳам кичик бизнес корхоналариға жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бутун кичик бизнес соҳасида юксак профессионализм ва интеллектуал салоҳиятга асосланган меҳнатни тобора кенг кўллаш, фан ва техникапинг илғор ютукларини фаол жорий этиш энг зарур ва долзарб масала бўлиб туриди.

И.Каримов
(маъruzadan)

Кичик бизнеснинг бундай жиҳатлари ўзига нисбатан алоҳида ғамхўрлик, ҳимоя ва парваришини тақозо этади. Шунга кўра, давлат кичик бизнесни доимий равища кўллаб-куватлаши керак бўлади. Учинчидан, бу муаммолар ўтиш даври иқтисодиёти шароитида янада кескинроқ, жиддийроқ кўринишда юз беради. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг ҳаётий фаолияти барқарорлигини таъминловчи самарали дастак ва механизmlар аллақачон изга тушириб олинган бўлса, эндиғина бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда бу борада ҳали жиддий ишларни амалга ошириш лозим бўлади.³⁶

Президентимиз томонидан кичик бизнес таркибини, унинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш масалалари илгари сурилиб, хомашени бирламчи қайта ишлайдиган оддий ишлаб чиқаришдан юксак технологик ишлаб чиқаришга ўтиш зарурати таъкидланди.

2007 йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган олтинчи устувор вазифа – банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни

³⁶ Бекмуродов А., Гафуров У. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш йўналишлари, матнжа ва муаммолар / Иқтисодий ислоҳотлар амалда: эришилган ютуклар ва муаммолар. – Ўзбекистон Республикаси мустакиллижининг 15 йиллигига багишланган юмий мақолалар тўплами. – Т.: ТДИУ, 2006, 11-18-б.

янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш хисобланади. Шунга кўра, мазкур йилда мамлакатимиздаги банкларнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, уларнинг асосий кўрсаткичларини яхшилаш, инвестиция жараёнларидағи иштирокини фаоллаштиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади (8-чизма).

8-чизма

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалга оширишга масъуль идоралар ва куттилаётган натижалар³⁷



Мамлакатимизда банк соҳасининг ривожланиши кейинги йилларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу ривожланишни куйидаги кўрсаткичларнинг мунтазам равишда ўсиб бориши орқали баҳолаш мумкин: тижорат банклари активларининг ҳажми; фаолият кўрсатаётган мини-банклар сони; кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори; тижорат банкларида аҳоли омонатлари қолдиги; тижорат банкларининг ялпи капитал миқдори (21-25-илловалар).

Маърузада сўнгги йилларда банк тизимида рўй берган куйидаги ижобий ўзгаришлар қайд этилди:

³⁷ Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси хамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг карори асосида тайёрланди.

- жами банк капитали 1 трлн. сўмдан ошиб, 2000 йилга нисбатан 7,4 марта ўди;

- банк муассасаларининг тармоғи 2 баробардан зиёд кўпайди;

- Микрокредитбанк ташкил этилиб, у кичик бизнес субъектларига 25 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратди;

- минибанклар сони 1800 дан ортиб кетди;

- факторинг ва лизинг сингари банк хизматининг янги турлари ўзлаштирилди;

- аккредитив бўйича хизматлар, пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, истеъмол кредитлари ажратиш, омонатларнинг янги турларини жорий этиш ва бошқа хизматлар йўлга кўйилди.

Шу билан бирга, Президентимиз томонидан мазкур соҳада ўз ечимини топмаган куйидаги масала ва муаммоларга эътибор қаратилди:

- капиталлашув даражасининг пастилиги;

- банк хизматлари бозорида ракобат мавжуд эмаслиги;

- аксарият тижорат банклари асосан киска муддатли товар кредитлари ажратиш билан чекланиб колаётганлиги;

- иктисадиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг умумий ҳажмида тижорат банкларининг ўз капитал улуши пастилиги (атиги 5 фоиз) ва ҳоказо.

Банк тизимини ислоҳ қилиш бёрасидаги муҳим вазифалар сифатида банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, миллий ва хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қискартириш каби чора-тадбирларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисадий ривожлантиришда асосий эътибор қаратиладиган етгиичи устувор йўналиш – бу коммунал ҳўжалик соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдан иборат. Чунки уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Бундан ташқари, кейинги йилларда барчамиз учун муҳим ҳаётий аҳамият касб этувчи мазкур соҳада ечимини кутаётган жиддий муаммолар нисбатан баркарор сакланиб қолмоқда. Шунга кўра, маърузада белгиланган асосий вазифалардан келиб чиқиб тайёрланган Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳам ушбу масалалар бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгиланди (9-чизма).


Маълумки, Республикаизда уй-жой коммунал ҳўжалиги асосан Уй-жой кодекси ҳамда «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўгрисида»ги қонун ёрдамида тартибга солинади. Шунга кўра, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг тўғри йўлга кўйилиши мазкур соҳадаги муаммоларнинг энг кам даражага келтирилиши ва тўлиқ ҳал этилишида муҳим ўрин тутади (19-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, сўнгги бир йил ичida рўйхатга олинган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг сони 1653 тага кўпайган ёки 168,8%га ўсган. Бунинг натижасида битта ширкатга тўғри келувчи курилиш ва

хонадонлар сони сезиларли даражада қисқарған. Бу ижобий ҳолат бўлиб, эндиликда ҳар бир ширкатнинг ўз аъзолари билан якка тартибда шугулланиш имкониятлари янада ортади.

9-чи зама

Иктиносидий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари доирасидаги асосий вазифалар, уларни амалга оширишга масъул идоралар ва кутилаётган натижалар³⁸



19-жадвал

Хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) асосий фаолияти кўрсаткичлари

	2006 йил 1 январь ҳолатига	2007 йил 1 январь ҳолатига	Ўсиш суръати, %
Рўйхатта олинган ХУЖМШ сони	2401	4054	168,8
Битта ХУЖМШга тўғри келувчи:			
- курилишлар ўртача сони	11	6	54,5
- хонадонлар ўртача сони	404	239	59,2

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Маърузада Президентимиз томонидан коммунал хўжалик соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган куйидаги асосий вазифалар белгилаб берилди:

- мазкур соҳа фаолиятини ташкил этиш ва юритишда мавжуд меъёрий-хукукий хужжатларга тўлиқ амал қилинишини таъминлаш;

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иктиносидий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг карори асосида тайёрланди.

- ширкатлар билан уларга коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган корхоналар ўртасида шартномавий-хукукий муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва янада мустаҳкамлаш;

- ширкатларнинг туар жойларни эксплуатация килиш ва саклаш муаммоларини ҳал этиш билан аник ва бевосита шуғулланиш имкониятига эга бўлиши учун битта ширкат томонидан хизмат кўрсатиладиган уйлар сонини энг мақбул ҳолга келтириш;

- иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгаририш;

- муқобил ёқилғи манбаларидан фойдаланган ҳолда, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишини таъминлаш;

- эскирган, ёқилғини кўп сарф қиласидиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш;

- иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича пухта ва аник ўйланган механизмни жорий этиш;

- коммунал соҳадаги ислохотларни изчил давом эттириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, қозонхоналар, иссиқлик ва сув таъминоти ҳамда оқава тизимларини модернизациялаш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

Президентимиз И.Каримов ўз маърузасининг сўнггида «Ана шу юксак мэрраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳукукий давлат, эркин иктисолиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиши учун ўзимизнинг кучкувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак. Энг мухими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамзихатлик, ахиллик ва меҳр-оқибат мұхитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга ошириша энг катта пойdevor бўлишини унутмаслигимиз зарур»³⁹, деб таъкидлади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мамлакатдаги реал иш ҳақи даражасига қандай омиллар таъсир кўрсатади? Реал иш ҳақи даражасини ошириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?

2. Иш ҳақининг оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

3. Кичик бизнеснинг ривожланиши иктисолиётдаги қайси масалаларни ҳал килиниши билан ўзаро боғлик?

³⁹ Янгиланиш ва баркарор тараккіёт Йўлидан янада изчили ҳаракат килиш, халкимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисолиёт ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктисолий ислохотларни чукурлаштиришининг энг мухим устувор йўналишларига багишиланган Вазирлар Мажлисидаги маъруzasasi // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль

4. Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?
5. Мамлакатимизда банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур?
6. Иктисодиётда нақд пул маблагларининг банкдан ташқари айланишини кисқартишишнинг қандай йўлларини биласиз?
7. Нима учун бозор муносабатларига ўтиш шароитида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида жиддий муаммолар нисбатан кўпроқ учрамоқда?
8. Мамлакатимиз коммунал хўжалик соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштиришда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар нималардан иборат?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Янгиланиш ва барқарор тараккӣёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамизdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

2. Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига канот бериш – ҳар бир раҳбарнинг бурчи. – Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 20 октябрь, 2-б.

3. Каримов И. «Эришилган ютукларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

4. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

5. Каримов И.А. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иктиносий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг асосий йўналишларининг багишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи, «Ишонч», 2004 йил 10 февраль, 22-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2006 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иктиносий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 2007 йил 24 январь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-сонли Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 5 январь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий ёрдамчи, дэҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.

12. Абдураҳмонов Қ.Ҳ., Ҳолмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асослари / Ўкув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 36 б.

13. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б. Аҳоли даромадлари ва уларни давлат томонидан тартибга солиш / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 40 б.
14. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1-5-кисмлар. Т.: ТДИУ, 2005. – 310 б.
15. Бекмуродов А.Ш., Сафаров Б.Ж. Қишлоқ жойларида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 23 б.
16. Бекмуродов А., Faфуров У. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш йўналишлари, натижа ва муаммолар / Иқтисодий ислоҳотлар амалда: эришилган ютуқлар ва муаммолар. – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига багишланган илмий мақолалар тўплами.– Т.: ТДИУ, 2006, 11-21-б.
17. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер ҳўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 44 б.
18. Беркинов Б.Б., Пўлатов Н.Т. Акциядорлик жамияти / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 41 б.
19. Маҳмудов Н.М. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда инвестициялардан самарали фойдаланиш. – «Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани маъruzалари тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006, 26-б.
20. Рашидов О.Ю., Тожиев Р.Р. Ўзбекистон Республикасида микрокредитлаш тизими ва уни ривожлантириш йўллари / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 35 б.
21. Салимов Б.Т., Абдуганиев А., Юсупов М.С. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 36-б.
22. Тухлиев Б., Азизов О. Солик юкини камайтириш – иқтисодиётни юксалтириш омили / Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 34 б.
